O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №
Majburiy bepul nusxa



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2010-yil, 15-oktyabr • № 42 (4077)

## ОНА ТИЛИМ — ЖОНУ ДИЛИМ

**21 октябр — "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинган кун**

Ватанимиз мустақилликка эришиб, ўзбек тили давлат тили мақомига эга бўлгани жаҳонда буюк тарихий ўзгариш сифатида эътироф этилди.

Жаҳон тилшунослигида тиллар, жамиятдаги хизмати ва турли ҳудудларда қўлланишига кўра алоҳида таснифланади: "расмий тил", "ҳудудий (регионал) тил", "диний асарларда қўлланувчи муқаддас тил" каби иборалар қаторига эндиликда "давлат тили" атамаси ҳам қўшилди. Бу атамани биринчи марта қўллаганлар қаторида Ўзбекистон давлати ҳам бор. Шу боис, мазкур тарихий ҳодиса чет элларда чоп этилган кўпгина нашрларда таъкидланган. Жумладан, АҚШда нашр этилган Ж.М.Ландау ва Б.Келлнер-Хейнкеленинг "Собиқ совет мусулмон давлатларида тил сиёсати" (Мичиган университети, 2004) номли китобида юртимизда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгани ва унинг ҳозирги даврда кенг кўламда ривожланиб бораётгани ҳақида сўз юритилади. Шунингдек, Ҳиндистондаги Кашмир университетида нашр этиладиган "The journal of Asian studies" ("Марказий Осиё тадқиқотлари журнали")да мазкур мақола муаллифининг инглиз тилида ёзилган "Ўзбекистонда тил муҳити" сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Мақолада юртимизда адолатли тил сиёсати олиб борилаётгани ва давлат тили ҳақида алоҳида қонун қабул қилингани ҳамда унда Ўзбекистонда яшаётган бошқа миллатлар тилларининг камситилмай давлат тили билан бирга эркин қўлланиб келинаётгани таъкидланган.

Россиянинг Санкт-Петербург университетида нашр этилган профессор А.С. Герднинг "Введение в этнолингвистику", "Курс лекций и хрестоматия" (2005) китобларига давлат тили ҳақидаги қонунлар қаторида юртимизда қабул қилинган "Ўзбекистон республикасининг Давлат тили ҳақида"ги қонуни ҳам киритилган (433—434-бетлар). Бу қонуннинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилганини Президентимиз Ислом Каримов қуйидагича изоҳлайди: "Қабул қилинган қонунда давлат тили билан бирга юртимиздаги барча миллат ва элатларнинг тилларини ривожлантириш, давлат йўли билан ҳимоя қилиш, тили, дини ва миллатидан қатъий назар, ҳар бир фуқаронинг ўз она тилида таълим, ахборот, керакли маълумот олиш каби ҳуқуқларини кафолатлаш масалалари аниқ белгилаб қўйилган эди. Бу қонун ўша пайтда бошқа республикаларда қабул қилинган тилга оид ҳужжатлардан ўзининг демократик моҳияти билан ажралиб туришини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, мазкур қонун давлат идораларида ишлаш, таълим олиш, мансаб лавозимлари бўйича кўтарилиш, фуқаролик сингари масалаларда одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини камситадиган турли шартлар ва "ценз"лардан холи экани билан жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган талаб ва қоидаларга тўлиқ жавоб берар эди. Шунинг учун ҳам у кўпмиллатли халқимиз томонидан ижобий кутиб олингани бежиз эмас".

Ҳақиқатдан ҳам, ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши унинг шўро тузуми даврида камситилган обрў-эътиборини тиклашга, халқаро доирада ҳам ундан кенг фойдаланишга хизмат қилди. Ҳозирги даврда йирик халқаро анжуманлар, мажлислар, учрашувлар ва бошқа тадбирларда ҳам ўзбек тилида мулоқот олиб борилмоқда. Юртимизда ишлаб чиқарилаётган буюмлар, ашёлар, дори-дармон ва бошқа турли маҳсулотларнинг ёрлиқлари ҳам ўзбекча ёзилади. Валютамиз, турли чипта ва лицензиялар ҳам ўзбек тилида ёзилгани улар мустақил Ватанимизники эканини ифодалайди.

Давоми иккинчи саҳифада



"Art Week Style.uz – 2010" ҳафталигида миллий либослар фестивали.

ЎзА олган сурат.

## ФЕСТИВАЛ ЯКУНЛАНДИ

***Тошкентни замонавий санъатнинг йирик марказларидан бирига айлантиришда беқиёс аҳамият касб этган "Teatre.uz—2010" биринчи халқаро театр фестивали ўз ишини якунлади.***

Ўзбекистон Ёшлар театрида ўтган фестивалнинг очилиш ва ёпилиш маросими замонавий аудио-видео техника воситалари асосидаги театрлаштирилган томоша тарзида тайёрлангани билан диққатни тортди.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларидан келган етакчи мутахассислар ва томошабинлар ўн кун давомида Ўзбекистон ёшлар театри, Ўзбек Миллий академик драма театри, Рус академик драма театри, Муқимий номидаги мусиқий театрларда турли мавзудаги спектаклларни томоша қилишди. Фестивал доирасида жаҳон театр санъати вакиллари Тошкент ва Самарқанд шаҳридаги тарихий ёдгорликларни зиёрат қилиб, замонавий театр санъати йўналишлари ҳақида ўзаро фикр алмашди.

— Тошкентда халқаро театр-фестивали ўтказилиши шунчаки тасодифий ҳол эмас, — дейди "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Омонулла Ризаев. — Бу жаҳон театрларининг ўзбек театрлари билан кўп йиллик ижодий ҳамкорлиги натижасидир. Халқаро миқёсда ўтаётган бундай тадбирнинг миллатлараро дўстликни мустаҳкамлашдаги ўрни беқиёс.

"Асл санъат даврнинг мураккаб муаммоларини ўзида акс эттиради, — дейди италиялик дирижёр Маурицио Чампи. — Одамлар онгини уйғотиб, қалбларини жунбушга келтиради. Ана шундай санъат турларидан бири операдир.

Ўзбек опера хонандалари италиялик санъаткорлар билан бемалол беллаша олаётгани юртингизда санъатга катта эътибор берилаётганидан далолатдир".

Санъат ихлосмандларини жаҳон театр санъати ва ўзбек саҳна усталарининг энг яхши асарлари билан таништириб, ижодкорларнинг ўзаро тажриба алмашишида муҳим аҳамият касб этган мазкур фестивал иштирокчилари махсус диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Аброр МЕЛИБОЕВ**

## САКИНАНИНГ ОРЗУСИ

**Илк қадам**

Ижодда, ҳунармандчиликда, илм-фаннинг турли йўналишларида катта ютуқларни қўлга киритаётган, юртимиз ёшларининг ижодий салоҳиятини дунёга кўз-кўз қилишга қодир тенгдошларимиз сафи кенгаяётгани ҳаммамизга ғурур бағишлайди.

Бугун биз билан бир олий ўқув юртида таҳсил олаётган Сакина Муҳаммаджонова ана шундай изланувчан, ижодга чанқоқ ёшларнинг бири.

2004 йили Ҳиндистонда бўлиб ўтган халқаро "Шанкар" болалар расмлари кўрик-танловида иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медалга сазовор бўлган Сакина Миллий рассомлик ва дизайн институтига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинди. Қизиқувчанлиги ва интилувчанлиги сабаб ўқиш давридаёқ бир қанча асарларини тўплаб, "График олам" деб номланган шахсий кўргазмасини намойиш этди. 2008 йили эса "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳомийлигида иккинчи — "Ғоялар денгизи" шахсий кўргазмаси ташкил этилди. Унда Сакина томошабинларга, асосан графика, витраж асарлари ва янги лойиҳаларини тақдим этди.

Тиришқоқлиги, ўз устида тинимсиз ишлаши туфайли Сакина 2007-2008 ҳамда 2008-2009 ўқув йилида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми", "Меҳр нури" жамғармалари стипендияларига сазовор бўлди. Бундан ташқари, 2008-2009 ўқув йилида Алишер Навоий номидаги стипендияга лойиқ топилиб, бакалаврликдан сўнг магистратурага имтиёзли ўқишга кирди. Ҳозирда магистратуранинг 2-босқичида таҳсил олаётган ёш ҳайкалтарош бу ўқув йилида Президент стипендиясига лойиқ топилди. Сакина асосан тарихий мавзуда асарлар ишлашга, улуғ боболаримиз сиймоларини яратишга қизиқади. Ҳайкалтарошликдан ташқари, соҳага оид илмий мақолалари билан турли анжуманларда қатнашиб туради.

Айни кунларда ёш истеъдодли ҳайкалтарош Камолиддин Беҳзод сиймосини яратиш устида изланмоқда. Ўзининг мазкур магистрлик ишини, яъни буюк мусаввир ҳайкалини Камолиддин Беҳзод номидаги институтда ўрнатишни орзу қилади.

**Шоҳиста ОРТИҚОВА**



**Сиймолар**

***Бу дунёда парвардигор яратган ҳар жонзотнинг ўз юки бор. Яшайман деган тирик жон борки, бу юкни кўтаришга мажбур. Аммо сўз юки жонзотлар ичра инсонни инсон қилган. Сўз юки ўзининг бутун жозибаси, жаранги, гўзаллиги ,айни пайтда залвори билан инсонга шундай бахт ато этганки, буни ўз тилида куйлаган, ўз тилида сўйлаган одамгина яхши билади.***

## ВАТАН МАДҲИ БЎЛДИ СЎНГГИ САТРИ ҲАМ

Куйлаш яхши сўз айтишдан, қутлуғ байт битишдан бошланади. Шу боис элимиз ўзининг улуғ қалам соҳибларини қадрлайди. Шоиру ёзувчиларини эъзозу эътироф этади. Илму ҳикмат эгаларини кўнгил кўкида тутади.

Албатта, бу дунёда кимдир нимагадир эришса, назарга тушса, мактаб кўрган, устоз кўрган бўлади. Устоз эса ногаҳон бошингда порлаб турган қуёшга ўхшайди. Қуёшни кўриш ҳамиша завқли, қуёшни кўришга барча дил ташна. Улуғ устозларнинг номлари, руҳлари ҳам қалбни қувватлантириб туради.

Мен бугун ана шундай бетакрор ва беназир устоз ҳақида, тўғрироғи, устозларимнинг устози Миртемир домла ҳақида сўз айтмоққа жазм этдим. Устозларимнинг устози, демак, менинг икки карра устозим. Шу боис устозларимнинг устози деган сўзни такрорлаш дилимни нурлантиради, кўксимни тоғдек юксалтиради.

Истеъдодли одамга яхши шеър ёзиш осон бўлиши мумкин. Аммо чин инсон бўлиб, катта қалб, оппоқ дил, ҳур фикр билан кўмак сўраган одамга беғараз ёрдам қўлини чўзиш, шогирдлар учун оталарча меҳр кўрсатиш, ижод сиру асрорларини ўргатиш ҳар бир ижодкорга ҳам насиб этавермаслиги мумкин. Бундай бахт, бундай бағрикенглик Миртемир домлага насиб эттанини халқимиз яхши билади. Қалам аҳли қадрлайди. Бу борада Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси, ардоқли адибимиз Саид Аҳмад домланинг «Йўқотганларим ва топганларим» китобидаги қуйидаги фикрлар Миртемир шахсининг буюклигидан, устоз сифатидаги бемисл фидойилигидан далолатдир: «Тургенев сафдош ёзувчилар номидан «Биз ҳаммамиз Гоголнинг «Шинели»дан чиққанмиз, дегандек, Эркин Воҳидов билан Абдулла Орипов, Омон Матчон билан Ҳалима Худойбердиева, Носир Фозилов билан Азиз Абдураззоқ, Юсуф Шомансур билан Хайриддин Салоҳлар Миртемирнинг тўнидан чиққан, десак хато бўлмас.

Устоз ёзувчиларимиздан Ғафур Ғуломнинг, Абдулла Қаҳҳорнинг, Шайхзоданинг шогирдлари кўп бўларди.

Айниқса, Миртемир домланинг шогирдлари бениҳоя кўп эди. Вилоятлардан келиб, ундан таълим олишарди. Андижондан Тўлан Низом, Олимжон Холдор, Фарғонадан Йўлдош Сулаймон, Намангандан Ҳабиб Саъдулла, Сирдарёдан Тўра Сулаймон, Бухородан Тошпўлат Ҳамид, Қирғизистондан Турсунбой Адашбоев... бу шогирдларнинг сон-саноғи йўқ эди. Эркин Воҳидов билан Абдулла Ориповга у алоҳида меҳр қўйган эди. Улар тўғрисида гапирганда оғзидан бол томарди. Домла оғир дамларда суянчиқ бўлган шогирдлари Носир Фозилов билан Наим Каримовдан миннатдор эди».

Мен каби ўнлаб шоирлар учун Миртемир домлага ўзимизни ғойибона шогирд ҳисоблашимиз ҳам катта бахт. Менга Миртемир домланинг барини тутиб, сабоқларини олиш, «бўтам» деган самимий сўзларини эшитиш, панду ўгитларидан баҳраманд бўлиш насиб этмаган бўлса-да, 70-йиллари ёшлар нашриётида экспедитор бўлиб китоб-қоғоз ташиб юрган кезларим устознинг бир-икки бор қўлларини олганман.

Энг муҳими мен ҳам кўплаб шеърият мухлислари қатори ўқувчилик, талабалик йиллари Миртемир домланинг ҳар янги китобини қўлдан қўймай ўқиганман. Нафақат ўнлаб шеърларини, «Сурват» достонини ёд олганман. Домламиз Озод Шарафидинов раҳбарлигида диплом ишимнинг мавзуси Миртемирнинг «Излаганим» тўплами бўлган. Бир сўз билан айтганда, Миртемир домла қалбим ардоғидаги, шеърларини излаб ўқийдиган шоирларимдан бири бўлган. Бу йил устознинг таваллуд кунларининг муборак 100 йиллиги нишонланяпти. Шу боис устоз ҳақида унинг бир ўқувчиси сифатида баҳоли қудрат фикр билдиргим келди.

Таъбир жоиз бўлса, олимлар шеърдан олмос излайдилар. Олмоски, ташбеҳларда товланган дур. Олмоски, ҳикматлар ҳайратидан таралган инжу. Олимлар шеърнинг оҳангидан кўра мазмун-моҳиятига ошуфта бўладилар. Улар шеър ичра шеър кўрмоқни истайдилар...

Давоми учинчи саҳифада

## БИЛДИРИШ

**2010 йил 19 октябр сешанба куни соат 11.00да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси мажлислар залида Ўзбекистон халқ шоири Миртемир таваллудининг 100 йиллигига бағишланган**

***ИЖОДИЙ КЕЧА***

**ўтказилади. Тадбирга адиблар, шоирлар, олимлар ва барча адабиёт мухлислари таклиф этилади.**

***Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.***

## СУРАТЛАРДА ДУНЁ МАНЗАРАЛАРИ

***Бадиий фотография санъати жамият ва ҳаётнинг кўзгуси сифатида қадрлидир. Фото асарининг муҳим жиҳати шундаки, у асл ҳаёт ҳақида асл фикр уйғотади. Бундай асар яратиш учун эса фотосуратчи ниҳоятда нозик дидли, синчков, кузатувчан ва қайноқ ҳаёт ичидаги такрорланмас лаҳзаларни тез илғаб олиш лаёқатига эга бўлиши лозим. Таъкидлаш жоизки, кўплаб халқаро ва республика кўргазмаларида намойиш этилаётган асарларда юртимиз одамларининг қувонч-ташвишлари ва гўзал манзаралар ранг-баранг услубларда кенг намойиш этилмоқда.***

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Бадиий академия ва Тошкент фотосуратлар уйи ҳамкорлигида бошланган "Тошкент Але — 2010" V халқаро фотобиенналеси ҳам бу борадаги нуфузли тадбирлардан биридир. Кўргазмада Европа, Осиё, Африка, Америка қитъаларидан қирқдан ортиқ профессионал фотоусталар иштирок этмоқда. Ташкилий қўмитага келиб тушган 2000 та бадиий фотоасарлар орасидан 800 таси сараланиб пойтахтимизнинг турли кўргазма залларида томошабинлар эътиборига ҳавола этилди. Асарлар "Инсон, анъаналар, муҳит", "Ташаббус қанотлари", "Навқирон ва ёрқин" мавзулари бўйича танлаб олинган. Жумладан, инсон ва анъаналар мавзуидаги ижодий ишлар ҳужжатли жанрга мансуб бўлиб, уларда дунё халқларининг турмуш тарзи, табиати, анъаналари ва одамларнинг турфа қиёфалари бадиий акс эттирилган. Эронлик фоторассом Кафех Боғдодчининг "Ҳаёт хотиралари" туркум ишлари фалсафий моҳияти, композиция ва сюжет уйғунлигига кўра ёрқин таассуротлар қолдиради.

Венгриялик Янош Эйферт ишлари ўзбек томошабинларига яхши таниш. Унинг турли жанрларда олган суратлари 2008 йилги фотобиенналеда намойиш этилган эди. Бу уста ижодкор ўттиздан ортиқ хориж давлатларида ижодий сафарда бўлиб, ранг-баранг асарлар яратган. Унинг "Қишлоқ чўпони" асари содда композицион ечими билан диққатни тортади. Реал ҳаёт манзараси уфуриб турган бу асардан томошабин ўзгача завқ олади.

Давоми бешинчи саҳифада

## ҚЎШИҚ — ХАЛҚ МУЛКИ

***Замонавий қўшиқчилигимиз таҳлили***

Санъаткор одоби нима? У нималарда намоён бўлади? Хусусан, қўшиқ санъатида бу борада аҳвол қандай? Сўнгги вақтларда ана шундай саволларнинг кун тартибига тез-тез қўйилаётгани бежиз эмас. Зеро, қўшиқчилик бугунги кунда энг оммавий санъат тури сифатида кенг тингловчилар аудиториясини, жумладан ёш йигит-қизларни жалб этаётган экан, юқоридаги саволларнинг қўйилиши ҳам табиий.

Истаймизми-истамаймизми, хонанда радио-телевидение орқали, саҳнада, тўйларда одамлар билан юзма-юз туриб куйлар экан, тингловчига унинг ўзи ҳам, сўзи ҳам таъсир ўтказади. Кўпинча ёшлар беихтиёр уларга тақлид қила бошлашади.

Қўшиқ — маънавият белгиси, қўшиқ — миллатнинг юзи, деган гаплар бежиз эмас. Чунки ҳар бир хонанда саҳнага бирор миллатнинг вакили сифатида чиқади ва одамлар унинг қиёфаси, ўзини тутиши, хатти-ҳаракатлари, асосийси, айтаётган қўшиғининг маъно-мазмунига қараб ўша миллатнинг одоб-ахлоқи, санъат мезонлари, демакки, маънавияти ҳақида хулоса чиқаради. Шундан келиб чиқиб бугунги ўзбек қўшиқчилигига, кундан-кунга оммалашиб бораётган миллий эстрада санъатимиз ҳолатига назар ташласак, кўз олдимизда қандай манзара намоён бўлади?

Албатта, миллий эстрадани ривожлантириш борасида давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик самараси ўлароқ бугун соҳада сезиларли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Турли фестиваллар, танловлар, халқаро миқёсдаги тадбирларда кўплаб ёш истеъдодлар муваффақиятли қатнашмоқда, "Ниҳол" мукофоти совриндорлари орасида ҳам эстрада хонандалари кўпчиликни ташкил этади. Катта байрам тантаналарида, нуфузли халқаро тадбирларда эстрада қўшиқчиларининг чиқишлари кўпчиликка манзур бўляпти.

Давоми бешинчи саҳифада

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ. тел: 233-08-34 Сайт: www.pochta.uz ; e-mail: oao@post.uz

Бошланиши биринчи саҳифада

# ОНА ТИЛИМ — ЖОНУ ДИЛИМ

Ўзбекистон Республикаси "Давлат тили ҳақида"ги қонунининг 7-моддасида кўрсатилишича: "Давлат тили расмий амал қиладиган доираларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя этилади". Лекин қонуннинг бу бандини бажаришда баъзи бир камчиликлар кўзга ташланади.

Адабий тилнинг ёзма ва оғзаки тарзда қўлланишида шеваларга хос хусусиятларни қўшиш, стилистик хатолар ва гап мазмунини бузиш ҳоллари кўп учрамоқда. Кўчалардаги рекламаларда кўпгина ғализликлар мавжуд. Ўзбек адабий тилининг қоидаларини билиш ва уларга амал қилиш фаолиятимизда ва кундалик мулоқотимизда одат тусига кириши лозим.

Ҳозирги даврда давлат тили тез ривожланиб бормоқда. Ўзбек тилига байналмилал терминларнинг, айниқса, кўплаб ўзлашаётгани сезиларлидир. Бу, албатта, XXI асрга келиб фан ва техника жадал ривожланиб бораётганининг натижасидир. Лекин тилимизда миллатимиз, урф-одатларимиз, менталитетимиз, қадриятларимиз ва дунёқарашимизга оид жуда кўп сўз ва иборалар борки, улар сермаънолиги билан ажралиб туради. Президентимиз "меҳр-муҳаббат, меҳр-оқибат, меҳр-шафқат, қадр-қиммат" каби сўзларда халқимизнинг руҳияти ва тарихий шаклланган одамгарчилик, сахийлик ва бағрикенглик каби юксак фазилатлари ифодаланганини алоҳида таъкидлайди. "Бундай тушунчалар асрлар мобайнида эл-юртимизнинг дунёқараши, маънавий ҳаётининг негизи сифатида вужудга келган, онгу шууримиздан жой олган буюк қадриятларнинг амалий ифодасидир", деб ёзади Юртбошимиз ўзининг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида.

Дарҳақиқат, ўзбек тилида маъно-мазмуни билан қадимий тарихимиз ва миллий қадриятларимизга узвий боғланувчи сўзлар жуда кўп. Назаримда, ўзбек тили устида илмий тадқиқотлар олиб бориш, унинг фонологияси, морфологияси, грамматикаси, лексика ва семантикасининг назарий асосларини нашр этиш, айниқса, унинг тарихи, этимологияси, турли фанларга доир махсус терминологияси, сўзлар ва сўз бирикмаларининг кўпмаънолик жиҳатлари, матн тузилишининг ўзига хос томонларини чуқур ўрганиш зарур. Тилшуносликнинг таржима назарияси, маданият ва маърифат, психология ва этнография, фалсафа ва семиотика билан боғлиқ масалаларини ўзбек тили мисолида чуқур илмий ўрганиш фойдадан холи эмас.

Эндиликда ўзбек тилида турли фан ва техника соҳаларига доир терминологик луғатларнинг нашр этилаётгани ҳамда йирик илмий асарлар яратилаётгани унинг жуда бой эканини тасдиқлайди. Ҳозирги кунда ўзбек тилида математика, кимё, физика, биология, фалсафа, иқтисодиёт, тилшунослик, психология ва бошқа фанларга оид дарсликлар, ўқув қўлланмалари, монография ва илмий-оммабоп китоблар нашр этилаётгани фикримизнинг далилидир. Ваҳоланки, бундай йигирма йил муқаддам баъзи олимлар ўзбек тилида фан ва техника соҳасида илмий асар ёзиш "мушкул муаммо"лигини айтиб аюҳаннос солган эдилар.

Эндиликда давлат тили Президентимизнинг иборалари билан айтганда: "Мустақил давлатимизнинг мадҳияси, герби, байроғи ва Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсоллардан бирига айланди".

**Абдузуҳур АБДУАЗИЗОВ, ЎзМУ профессори**

# Ўзбекча олқиш ёшларда миллий ғурур уйғотади

Бирор сўз ёки қўшиқни муттасил эшитиб туриш шу сўз ва қўшиққа нисбатан аста-секин кўникма пайдо қилади. Бу илм ўрганишнинг шартларидан бири такрорлаш эканини ҳам эслатди. Ёки, аксинча, унча қўлланмаган сўзлар, тингловчиларга ҳавола этиб турилмаган куй-қўшиқлар сезиб-сезилмай унутила боради. Ёшлар эса табиатан тақлидчан, нимани эшитса, шуни такрорлашга мойилдирлар.

**Муносабат**

"Наврўз" радиоканалининг тунги "Радиовикторина" эшитиришида бошловчи мақолларга оид савол бериш билан халқимизнинг сермазмун ва фойдали ўгитларига ёшларни қизиқтираётгани эътиборга молик. Бироқ эшиттириш ижодкорлари ғолибни олқишлаш учун тайёрлаган матнда, жиддий ўйламасданми, ё буни замонавий деб билганиданми "О, ес!" (инглизча ёзилиши "o, yes!") тарзида инглизча иборани танлашганидан афсусландик. Она тилимизда "офарин", "балли", "баракалла" ва бошқа шу каби чиройли, халқимизнинг миллий руҳиятини аниқ-тиниқ ифодалайдиган самимий сўзларимиз кўп.

Мазкур эшиттиришда "Сизники халтада, бизники..." деб мақолнинг давоми сўралганда бир мухлис мақолни "...ўртада" деб давом эттиролмай "Ялтада" деб SMS ёзиб юборганини бошловчи ўқиб ўтди. Аминманки, шу жавоб муаллифи халқимизнинг ҳикматли дурдоналаридан қанчалик узоқлашиб қолганини қайсидир даражада англаб етди. Буни ушбу эшиттиришнинг ўша кунги муҳим ютуғи, дейиш мумкин. Аммо бунинг учун эшиттириш ижодкорларига "о, ес!" демасдик, албатта. Бу билан она тилимизга нисбатан ҳурматсизлик қилган бўлур эдик. "Балли, ижодингизга барака", дейишимиз эса тайин.

Ўйлаймизки, улар ҳам эшиттириш мухлисларини халқимизга хос тарзда ўзбекча олқишлайдилар. Зеро, миллий ғурур, ватанпарварлик, ўзликни англаш каби юксак туйғулар она тилимизни қадрлаш, ёддан чиқармаслик, фарзандаларимизга ўргатиш билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

**Дилором ҚЎЗИЖОН**

**Сирожиддин САЙЙИД**
**Ўзбекистон халқ шоири**

# ЭЛ КЎКСИДАЙ БАЛАНД

***Она Ўзбекистонимиз, заҳматкаш ва танти халқимиз асрларга пойдевор бўлгулик йилларни бошдан кечирмоқда.***

Ойлар фасллардан фарқ қилганидек, йиллар фасллардан жозибалироқ, кўз ўнгингизда рўй бераётган улуғвор ўзгаришлар, янгиланишлардан ҳайратланмай иложингиз йўқ. Янги замонларнинг салом ва хушхабарларини кўҳна уфқларга етказган қўш кокилдай темир йўллар, бугунги кун билан келажакни боғлаган муҳташам кўприклар, йўллар, бинолару иншоотлар. Ойбек домла "Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор", деганларидек, қор остида ҳам кўкламни эслатиб турувчи зумуррад майсалар, эрта ёздаёқ чексиз кенгликларни тўлдириб ярқираган олтин буғдойзорлар. Одамларнинг ниятларидек қатор ва текис эгатлар, кузга келиб кўзни қамаштирувчи фараҳбахш далалар, оқ-оппоқ пахтазорлару дилда ҳаяжон уйғотувчи, ўзбекона тароват, деҳқон меҳри ва меҳнати билан парвариш топган ўзбекона пайкаллар. "Ҳормангларо!" деб келган меҳмонга кузнинг олтин лаганида тилими тилни қирқ ёргувчи қовун-тарвузларни тутиб пешвоз олгувчи бетимсол полизларимиз. Ҳар ёнда тўкинлик, эл турмушини тўкин-сочин қилгувчи фаровонлик нишоналари. Бу фаслда саховатли заминимиз, азиз диёримиз янада кўркам, янада серфайз бўлади. Элимиз яратувчанлик, ҳаёт фаровонлиги, фарзандлар бахту камоли йўлидаги эзгу ташвишлар, инсоний интилишлар ила банд.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, қурилиш-бунёдкорлик ишлари, чорвачилик, мева-сабзавот, ғалла ва пахта етиштириш соҳасидаги улкан ютуқларимиз — барча-барча меҳнутларимизу заҳматларимиз замирида яккаю ягона мақсад, яъни элимиз фаровонлигию Ватанимиз ободлиги турибди.

Президентимиз элдошларимиз билан бўлган барча учрашувларда, жумладан шу ойнинг бошида Қорақалпоқ заминида фермерлар ва ёшлар вакиллари билан бўлган мулоқотда ҳам эзгу мақсадларимизни жонли мисоллар ила қайта-қайта таъкидлаб, интилишларимизнинг нечоғли муҳим ва аҳамиятли эканини яна бир бор кўрсатиб берди. Қорақалпоқдан Сурхон қадар, Қашқадарёдан Хоразм, Самарқанду Андижон, Бухорою Навоий — мамлакатимизнинг қай гўшасига борманг яратувчилик, бунёдкорлик, рўзғору турмушимизни тўкин-сочин қилиш йўлида ишонч ва қатъият, завқ ва ҳаяжон билан меҳнат қилаётган, оққўнгил, ниятлари соф, орзу-умидлари бир дунё азиз ватандошларимизни кўрасиз. Улар тарбиялаб ўстираётган, чиннидай оқ мактаб ва коллежларга бораётган, олий ўқув юртларида таълим-тарбия олаётган азиз ўғил-қизларимиз шу юртнинг келажагидир. Одамлар юзида барқ уриб турган, ҳаётга, эртанги кунга ишонч ва меҳрни кўриб дилингиз яйрайди, кўнглингиз кўтарилади.

*Тупроқ билан дардлашмоқ*
*Бу — қадимий бурч, шараф.*
*Сен-чун асли бу достон,*
*Сенга бўлсин бу шараф.*
*Бундайин давру даврон*
*Сенга бўлди мушарраф.*
*Юртни юрт айламоқнинг*
*Заҳматлари оғирдир.*
*Ўзбекистон, онажон,*
*Мангу иссиқ бағирдир.*

# ҚОШ ҚЎЯМАН ДЕБ...

## ёхуд "PIT STOP" дегани нимаси?

Она тилимиз шу қадар гўзал, ифода ва маъно товланишларига шу қадар бойки, агар ҳар бир сўз ва атамани ўз ўрнида қўлласангиз, исталган энг мураккаб фикрни ҳам содда ва пурмаъно ифодалаш мумкин.

Бироқ биз кўп ҳолларда тилимизнинг ана шу сержило бойликларига эътиборсиз муносабатда бўламиз. Яқинда оммавий нашрлардан бирида Сардоба туманидаги паррандачилик фабрикаси ҳақида бир мақола ўқиб қолдим. Мақоланинг ўзига ҳам, муаллифига ҳам эътирозим йўқ, бироқ фабрикага қўйилган номга кўзим тушиши билан "Ёпирай", деб юбордим. Боиси мазкур "чўлдаги хазина"га бир улуғ шоиримизнинг номи қўйилган экан. Ахир сўз — хазина, ном — номус, деб бежиз айтилмайди-ку! Шоирнинг номини, айтайлик, бирор маърифат ва маънавият муассасасига, маҳалла ё кутубхонага, боғлиқлик жойи бўлса бирор кент ё йирик кўчалардан бирига қўйсак, узукка кўз қўйгандек ярашар, бироқ ишлаб чиқариш соҳасига шоирнинг нима дахли бор? Шу жойга корхона фаолиятидан келиб чиқиб, бирор муносиб ном топиш шу қадар қийинми?

**Ном — номус**

Паррандачилик фабрикаси роса мақталган ўша мақолага "Чўлдаги хазина", деб ном қўйилибди. Фабриканинг ўзини ҳам "Хазина", "Қутбарака", "Саховот" каби турфа номлар билан аташ мумкин-ку?

Шаҳар кўчаларида қатновчи автобусларга катта-катта ҳарфлар билан мана бундай деб ёзиб қўйилибди: "Лицензиясиз йўловчиларни ташиш мумкин эмас". Ўйлаб кўринг, "лицензиясиз йўловчилар" ҳам бўладими? Бу ўринда "лицензия" йўловчиларга эмас, йўловчиларга хизмат кўрсатувчи транспорт воситаси ва унинг мулкдорига тегишли-ку. Ҳолбуки, мазкур эълонни "Йўловчиларни лицензиясиз ташиш мумкин эмас", тарзида ёзилса, мантиқсизлик ва хатога йўл қўйилмасди.

Ҳозир шаҳар кўчаларида янги дўкон, кафе, тамаддихона, турли хизмат кўрсатиш шохобчасини очаётган тадбиркорлар ажнабий номларга беҳад рўжу қўйишган. Юнусободнинг 16-мавзесидаги автобус бекатида турли хизмат кўрсатиш тармоқлари жойлашган. Картошка ва ошқовоқдан сомса қилиб сотадиган дўкон дейсизми, пойабзал тузатиш устахонаси дейсизми, қўл телефонлари учун ҳақ оладиган ва таъмирлайдиган устахонами — хуллас ҳаммаси бир бекатда жойлашган. Яқинда уларнинг қаторига яна бир кичик тамаддихона ҳам қўшилди. У айниқса оқшомлари йўл устида бир зумда тамадди қилиб, кофе ёки чой ичиб кетиш учун қулай. Энди шу тамаддихона эгалари, жонажон ўзбек тилимизда бирор дурустроқ ном ёки атама қуриб қолгандек, ўз шохобчаларини инглизча "PIT STOP" деб аташибди. Ёшгина сотувчи болалардан "Бу нима дегани?", десангиз, "И, шуни ҳам билмайсизми? Бу инглизча: "Тўхтаб, тамадди қилиб кет", дегани бўлади", деб кулишади". "Буюк Британиядан келган хўрандалар сенинг бу тамаддихонангни бутун Юнусобод бўйлаб қидириб юрар экан-да", десангиз елка қисиб қўйишади.

Ана шунақа гаплар. Тамаддихонани очган тадбиркорга фақат пул керак. Ўз она тилининг обрў-эътибори, давлат тилининг қадри ҳақида ўйлаш гўё улар учун ортиқча иш?! Ахир бундай бўлмаслиги керак-ку! Шу номни рўйхатдан ўтказиб, маъқуллаб бераётган шаҳар ҳокимлигининг мутасаддиларига ҳам ўз тили бегона бўлмаса керак, деб ўйлаймиз.

**М. ЭШМУРОДОВ**

**Ифтихор**

# ЎЗБЕКНИНГ КУЗИ БАРИБИР БОШҚАЧА

Мустақиллик сўзининг моҳияти ҳақида ўйлаганда хаёлингизга дарҳол Эрк, Озодлик, Ҳурлик каби атамалар келиши, шубҳасиз. Лекин мен булар қаторига ислоҳот, илгарилаш деган сўзларни ҳам қўшгим келади. Гарчи луғавий маъноси жиҳатидан у қадар мувофиқ келмасада, моҳият эътибори билан айнан мос тушади бу сўзлар. Ахир, салкам икки ўн йиллик давомида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни кўз олдимизга келтирсак, беихтиёр бунга амин бўламиз. Истиқлол ва Ислоҳот эгизак тушунчалардир.

Ҳар фаслнинг ўз зийнати бор, аммо ўзбекнинг кузи барибир бошқача.

*Йил ичра ўзбекнинг кузи*
*бошқача,*
*Сезар замин, осмон, ой,*
*қуёшгача.*
*Тўйхонага ўхшаб қолар*
*шийпонлар,*
*Келаверар бир-бир кекса,*
*ёшгача.*
*Ифтихори, ишқи далада, ахир,*
*Худо берган ризқи далада, ахир.*

Мен бу сатрларни Олтинкўлдаги уста пахтакор Асалхон Расулованинг дала шийпонида бўлганимда дафтарчамга ёзиб қўйган эдим. Бунақа саришта, ораста шийпон ҳамманинг ҳам ҳавасини келтиради. Атрофи тол-тераклар билан қуршалган соя-салқин шийпон ва унга ёндош баланд ишкомлар остидаги чорпояларга кўрпачалар тўшалган, шийпонни айланиб оқиб ўтаётган ариқдаги зилол сув кузнинг сокинлигини, маъсумлигини шарҳлаётганга ўхшайди. Гуллари то қишнинг совуқ кунларигача очилиб турадиган гулзор атрофга ўзгача зеб берган. Рўпарадаги тандирда ҳар куни ўт ёнади, нон ёпилади. Бу нонлар ширмойи, яъни хамири сутга қорилган. Учта соғин сигир шу мақсадда боқилади. Йилнинг тўрт фаслида ҳам бўш қолмайдиган мўъжазгина томорқа дала қозонини масаллиқлар билан таъминлайди. Буям тадбиркорликнинг бир тури-да.

Кузда «Намуна гулшани» фермер хўжалигига тегишли бу шийпон ростдан ҳам тўйхонага ўхшаб кетади. Қишлоқдошлар билан гурунглар, дийдорлашувлар давом этади. Асалхон яхши пахтакоргина эмас, адабиёт ва санъатни хуш кўрадиган, кайфият билан меҳнат қилиш самараларини тажрибадан ўтказган раҳбар. Шу боис бу шийпондан шоиру ҳофизларнинг қадами узилмайди.

— Кузни яхши кайфият билан бошладик, — дейди фермер. — Намунавий лойиҳа асосида қурилган уйларга кўпчилик қатори биз ҳам оиламиз билан кўчиб ўтдик. Юртбошимиз мустақиллик байрами арафасида Андижонга ташриф буюрганида ҳар қандай ҳашаматли ҳовлилардан қолишмайдиган янги уйимизни кўриб, шарт-шароитларимиз билан танишиб, мамнун бўлди.

Ростдан ҳам меҳнатинг самарали бўлса, қувониб яшасанг, яна меҳнат қилгинг, изланги нг келаверади. Бу йил ҳам насиб этса пахтадан катта даромад оламиз. Ҳосил чўғи айтиб турибди буни.

— Яхши дам меҳнатга ҳамдам деганлари рост-да. Пахтамизни тердик, режани бажардик. Мукофотларни ҳам, меҳнат ҳақимизни ҳам олдик. Вилоятимизда яшаб ижод қилаётган шоирлар, ёзувчилар, ҳофизу раққосалар билан танишдик, — дейди мамнуният билан хўжалик аъзоси Улфатхон Раззоқова.

«Ёмғир билан ер кўкаради, меҳнат билан эл... « деганлари бежиз эмас. Асалхон Расулованинг «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» унвони ва «Дўстлик» ордени билан тақдирлангани омилкор фермернинг фидокорона меҳнатлари самарасидир.

Қўчқорбой Турдиалиев ҳам Олтинкўлнинг Офтобачек қишлоғида яшайди. Вилоятдаги турли қишлоқ хўжалик идораларида меҳнат қилган, шу соҳада илмий иш яратиб фан номзоди бўлган Қўчқор ака бугун «Обод водий саховати» фермер хўжалигининг раҳбари. У «нафақага чиққанингизда фермерликни ҳавас қилиб қолишингизга сабаб нима?», деган саволимга бир лаҳза ўйланиб турди-да, салмоқлаб гап бошлади.

— Ҳаж сафарида юрганимда буни кўнглимга тукканман. Макка шаҳрининг бозор расталарини айланиб юрганда бир дўкондаги меваларни кўриб, ҳавасим келди. Айниқса, шафтолиси кўзимни қувнатди. Сафардошлар билан ермиз деб, икки килогина сотиб олдим. Шерикларим ҳам бу неъматларнинг беғуборлиги, чиройли шаклига тан бериб мақташди. Биттадан ея бошладик. Бироқ мазаси бизнинг шафтолиларга сира ўхшамасди. Шунда билдимки, бизнинг тупроқ, бизнинг сув, бизнинг офтоб бошқача экан. Ўзбекистонни жаннатмакон юрт дейишлари сира муболаға эмас. Ўйласам, бу тупрокда униб ўсган неъматлар ҳам тўйимли, ҳам шифобахш... Илм оламининг бирор соҳаси йўқки, ўзбекнинг аллома боболаримиз кашфиётларига суянмаса. Бу замин бизга худонинг инъоми. Озмикўпми илм соҳасида ҳам изландим, тажриба орттирдим. Шундай экан, уйда чой ичиб бекор ўтираманми? Еримизга ҳам меҳр керак. Унга ақл билан, билим билан, энг муҳими, меҳр билан муомала қилишни болаларимизга ўргатишимиш керак...



*Бугунги Андижон*

Қўчқорбой ака олим сифатида ҳар бир ишга тадбир билан илмий ёндошишга ҳаракат қилади. Шундай тадбирлардан бири пахтани суғоришда сувни оддий магнит ёрдамида ионлаштириш.. Унинг айтишича, ионлашиш натижасида қаттиқлиги синган сув ўсимликка тупроқ таркибидаги ўғит ва маъданларни яхши ўзлаштиришга, ҳазм қилишига ёрдам беради. Бу эса, ер самарадорлиги янада ошишини таъминлайди.

Биласиз, пахтачиликда кўсак қурти, ғўза шираси каби муаммолар учраб туради. Ҳудди мана шу пайтда Қўчқор аканинг олимлиги, фикри, мулоҳазалари яна асқотади. У фермер хўжалигининг ўз биолабораториясини ташкил қилган. Унда етиштирилаётган олтинкўз, бракон, трихограмма каби биомаҳсулотлар ёрдамида зарарли ҳашаротларга қирон келади. Турли касалликлардан омон сақланган ғўза ниҳоллари катта ҳосил бериши эса табиий ҳол. Бир дона трихограмма, олимнинг айтишича, 11 та кўсак қурти тухумини фалажлай олади. Буни у номзодлик диссертациясида исботлаб берган. Қўчқор Турдиалиевнинг қарийб саксон фоизи тайёр бўлган докторлик диссертацияси ҳам айнан мана шу усулнинг афзалликлари ҳақида. Муҳими, бугун бу лаборатория бутун вилоят деҳқонларига ишончли хизмат кўрсатмоқда.

Мен олтинкўллик иккита ҳамқишлоғимнинг миришкорлиги хусусида қисқача тўхталдим. Мамлакатимиздаги ислоҳотлар, илгарилашлар ҳам менинг мана шу меҳнаткаш, фикрчан ҳамқишлоқларим сингари бутун халқимизнинг эришган катта ютуқларидир.

Атрофинг тўла яхши одамлар — меҳнаткаш, содда, бағрикенг. Уларни ҳар қанча шеърга солсанг, улар ҳақида ҳайратланиб ёзсанг арзийди:

*Энг зўр мусаввирдай*
*ўзбекнинг кузи,*
*Ватан сувратини чизиб беради.*
*Пахтаси ғазнадир,*
*ғам емас ўзбек,*
*Бадавлат, ҳеч кимдан*
*кам эмас ўзбек.*

**Замира РЎЗИЕВА**

# Маданий ҳаёт

Сурхондарё вилояти ихтисослаштирилган санъат мактабида ёзувчи ва санъатшунос Нодир Норматов билан учрашув бўлиб ўтди. Ижодкор "Сўз ва рангнинг бадиий талқинлари" маърузасида жаҳон тасвирий санъатидаги туб ўзгаришлар, ўзбек адабиёти ва санъатидаги замонавий жараён, анъаналар ва изланишлар, макон ва замон, миллийликнинг бугунги мақоми ҳақида батафсил фикр юритди, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг кўпдан кўп саволларига жавоб берди. Учрашув сўнгида ёзувчи сценарийлари асосида ўзбек санъаткорлари ҳақида суратга олинган ҳужжатли филмлар намойиш этилди.

**Шермамат БОЙҚУЛОВ**

* * *

Республикамиз бўйлаб давом этаётган она тили ва адабиёти ойлиги доирасида мактабларда китобхонлар анжумани, давра суҳбатлари, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар давом этмоқда. Шундай учрашувлардан бири Юнусобод туманидаги 274-мактабда бўлиб ўтди. Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, шоир Рустам Мусурмон мактаб ўқувчилари ҳузурида Ватан, истиқлол мавзуидаги шеърларидан ўқиб берди. Мушоирада муаллим ва ўқувчилар ҳам фаол иштирок этишди.

**М. ВАЛИЕВА**

* * *

Шу кунларда пойтахтимиз галереяларида "Тошкент — Але- 2010" фотосуратлар кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Халқаро маданият карвонсаройида уч нафар япониялик ижодкорнинг фотоасарлари намойиш этилди. Хисоши Обия инсоннинг анъанавий яшаш тарзини акс эттирса, Олга Лобанова туй маросимларини чиройли тасвирлаган. Джугиро Ишининг турли шаҳарлардаги йўл кўрсатмалари тасвири ҳам қизиқарли. Кўргазмада Япония ҳаётига оид фотоасарлар томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

**Журналларни варақлаганда**

# "МОЗИЙДАН САДО"




"Мозийдан садо" журналининг 2-3 сони босмадан чиқди. Журналнинг қўшма сони А.Ҳакимовнинг "Мустақилликнинг 19 йилида Ўзбекистон санъати" мақоласи билан очилади. А.Муҳаммаджонов мақоласи аҳолининг ижтимоий ва маънавий ҳаётида бош омил бўлган "давлатчилик" ва "давлат"нинг тарихан шаклланиш жараёнлари ҳақида маълумот беради. О.Отажоновнинг "Кушон даври либослари", В.Миносянцнинг "Хитой кўзгулари" И.Ботировнинг "Султон Санжарнинг кумуш динори" Р.Алмеевнинг "Пойкент етти шамдони" мақолалари юртимиз тарихининг турли даврларига оид воқеалар-ходисаларга бағишланган.

А.Рустамбекованинг "Озарбойжон ва Ўзбекистонда оловни қадрлаш", Н.Мехтиеванинг "XX асрнинг 60-80 йилларида озарбойжон-ўзбек маданий алоқалари" мақолаларида икки халқ ўртасидаги маданий муносабатлар ёритилган. Ш.Камолиддин, Д.Болтабоев, Ф.Болтабоев ҳамда М.Ҳасанованинг мақолаларида ватанимиз тарихининг ҳали ўрганилмаган қирралари ҳақида илмий асосланган маълумотлар билан танишасиз.

Ў.Алимов, Э.Умаров, Т.Қодирова ва Т.Маматмусаев, З.Ҳакимов, Б.Маъруф, О.Салимов Ҳ.Убайдуллаев ва Ж.Шнекеевларнинг турли мавзудаги мақолалари ҳам ўқувчиларда қизиқиш уйғотади, деб ўйлаймиз. Шунингдек, "Яҳё Ғуломов абадияти" (О.Канимқулов), "Музейларнинг замонавий модификацияси" (М.Муҳамедов), "Ўзбек мусиқасининг нота ёзувлари тарихидан", (С.Матёқубов) мақолаларида ҳам турли тарихий даврларга оид қизиқарли мавзуларни қамраб олинган.

**Азиза АЪЗАМХЎЖАЕВА**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! тел: 233-57-47

# ВАТАН МАДҲИ БЎЛДИ СЎНГГИ САТРИ ҲАМ

Бошланиши биринчи саҳифада

Хўш, шоирларнинг ўзлари-чи? Шоирларнинг ўзлари шеърни ошиқлар каби ўқийдилар. Шоирлар шеърдан муҳаббат истайдилар, гўзаллик излайдилар. Дардларини шеърига тўкадилар-да, яна дармонни ҳам шу шеърдан олмоқчи бўладилар. Шеъри қалбидаги дарди, шеъри қалбидаги малҳами.

Бу дунёда юрмасдан етадиган манзил бор — бу кўнгил. Кўнгилни кўриб бўлса, шоирлар кўрадилар. Унга сўз билан етиш, шеър билан кириш бир мунча осон эрур балки. Шабнам шаклидаги туйғу шабнам шаклидаги шеърга ўхшайди. Умуман туйғунинг шакли ҳақида ўйлаш ҳам жунунлик эмасмикан? Йўқ-йўқ. Кўнгилнинг кўз ёшидан тўкилган шеърни ўқиганмисиз? У қандай ёзилади? У ёзилмайди, кўнгилдан тўкилади:

**Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,**
**Шу кунгача ўзни мен чеклаб бўлдим.**
**Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,**
**Мен учун йиғласин, мен йиғлаб бўлдим.**

Бу дунёга келиб қувонишни билган одам дард чекишни ҳам билиши керак. Дард нималигини билган, бошидан ўтказган одам эса «Шоир нима демоқчи?», деган тошдан қаттиқ саволни бермайди. Фикр қилади, хаёлан ўша давр, ўша тузум талотўпларига тушиб кўради. 1972 йил битилган бу шеър фақат Миртемир домла бетоблиги учун шундай ҳазин оҳанг касб этмаган.

**Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,**
**Қоврилмай то ғашлик алангасида —**

дея бошланувчи ўн икки сатрдан иборат бу шеърда шоир умр йўлининг армони бор. Шоир бетоблик алангасида эмас, ғашлик алангасида қоврилмоқда. Бу аланга ёзишни истамай ёзилган шеърлар алангаси. Миртемир домлани собиқ мустабид тузум мажнунтолдек эгиб қўйган эди. Юрак пардасини тикон тиғидек тилган андуҳ, шоирнинг жисму жонини чимчилаб турган ўкинч уни ўз армони боғида ўстирган мажнунтоли тагига етакларди.

Ўз халқини севган, Ватани учун жонини тиккан, катта қалб, юксак иймон-эътиқод соҳиби бўлган шоир ўша даврда ҳам юраги буюрган, ўтолов шеърларни ёзолганди. Бу шеърлар бир йил олдин бўлмаса, бир йил кейин ёки йиллар ўтиб матбуот юзини кўрган, шеърият мухлисларининг олқишларига сазовор бўлганди.

Ўзбек адабиётида Миртемир ижоди ўзининг муносиб баҳосини олган. Бу борада заҳматкаш, оташқалб олимимиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов, академик Матёқуб Қўшжонов, Миртемир домла ҳаёт пайтларида ўз қўллари билан тартиб берган, аммо кўришга улгуролмаган «Ёдгорлик» тўпламига ҳассос шоирамиз Зулфия ёзган сўзбоши, адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров ва бошқа ўнлаб олимлар томонидан яратилган илмий тадқиқотлар, адабий портретлар фикримизнинг тасдиғидир.

Шу ўринда муҳтарам домламиз Озод Шарафиддиновнинг қарийб бундан 50 йил муқаддам ёзган фикрини келтириб ўтмоқчиман: «Миртемир поэзиясида шаффоф тиниқлик, беғубор, нафис ва тўлиққан қуёшнинг тафти, кумуш тўлқинли мавжлар ва қўнғироқдек майин куйлар бор. Миртемир поэзияси ҳам тоғ дарёси каби доимо одамлар хизматида. Уларнинг дилига нур бағишлайди, қалбини қувонтиради, юракларнинг ташналигини босиб, уларни гулга ўрайди».

Дарҳақиқат, Озод ака таъкидлаганларидек, тоғ дарёсининг шиддатини уни кузатган, кўрган одам билади. Умуман гўзалликни кўра билган одам ё шоир, ёки мусаввир бўлади. Шеърни шамол олиб келмайди. Шеърни сен кўра билган гўзаллик, сен етмаган бахт, сен қўлидан тутмаган, кўзларига боқолмаган муҳаббат, дийдор ва ҳижрон, орзу ва армон беради. Мана ўша шеърдан бир парча:

**Мен сени инжитмайман,**
**Ва лекин тинчитмайман.**
**Чарх уриб, бўз тўрғайдай бўзлашим бор бошингда,**
**Эй, сочларинг тўлқини тун сингари сим-сиёҳ.**
**Хол каби пайдо бўлгум ёноғинг ё қошингда,**
**Эй, изларинг ғубори кўзларимга тўтиё.**
**Саратонда сел бўлиб,**
**Лолазор яратгайман,**
**Қаҳратонда ел бўлиб,**
**Гул атрин таратгайман.**

Муҳаббат кўнгил кўзидаги нур. Шу нурга эга одам оламни чароғон кўради. Ишқ жилваси жило сочиб турган тунда ошиқ учун олам қуёшли, олам нурли. Нима учун севадилар? Фақат дийдор учунми? Йўқ-йўқ, дийдор саодати бахт кошонасига қўйилган илк қадам. Гап кўнгилларнинг ишқ самосига қилолган парвозида.



Миртемир шеърияти ҳақида гапирганда олимларимиз унинг халқчиллигини алоҳида эътироф этадилар. Чунки шоир халқ оғзаки ижодини яхши билган, унинг сир-асрорларидан воқиф бўлган. Айни пайтда шоир асрлар оша сайқалланган халқ тилидан, унинг лексик имкониятларидан ҳассослик билан фойдаланган. Шу боис Миртемир шеърлари равонлик, соддалик, оҳангдорлик ва самимийликда халқ қўшиқлари билан уйғунлашиб кетади. Мана, шоирнинг «Қўшиқ» шеъридан тўрт сатр:

**Саратонда соябонинг бўлайин,**
**Тоққа ошсанг, кўк довонинг бўлайин,**
**Кетма, жоним, айриликдан жон безор,**
**Ярим кеча каҳкашонинг бўлайин.**

Ёки «Қайда» шеъридан мана бу сатрларини ўқиб кўринг:

**Қўшиғим қайда, ўша,**
**Қўшиғим қайда қолди?**
**Наҳотки холий гўша**
**Биз кезмиш жойда қолди.**

**Қўшиғим қайда, ўша,**
**Қўшиғим қайда қолди?**
**Сой мисол жўша-жўша,**
**Наҳотки сойда қолди?**

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шунинг учун ҳам халқимизнинг атоқли ҳофизлари шоир шеърлари асосида ўнлаб ўлмас қўшиқлар яратган. Айни пайтда улар санъатимизнинг олтин фондига айланган. Севиб ижро этилади, мириқиб тингланади.

Ватан сўзини ҳар ким қандай хуш кўрса шундай оҳанг, шундай муҳаббат билан тилга олади. Шу боис Ватан сўзига ҳар кимнинг ўз қиёси, ҳар кимнинг ўз дил изҳори бор. Зеро, Ватан битта, Ватан ягона. Миртемир домланинг киндик қони томган тупроқ, қадрдон қишлоқ, она диёр, Ватан мавзуидаги шеърлари, достонлари ҳамиша ижодида етакчи ўрин тутиб келган. Бу борада, яъни шоир маҳорати ҳақида адабиётшунос олимимиз Иброҳим Ғафуров жуда ўринли фикр билдирган: «Миртемир доимо шеърда сўзларнинг эркин жойлашувига, оҳангнинг эркин, тўғонсиз ва тўсиқсиз оқишига, ифодавийликка, колорит беришга интилди. Мен уни кўп маҳал икки қатор шеърга бутун бир оламни, бутун бир юртни — Ўзбекистонни, ўзбек халқини, ўзбек халқининг табиатини сингдириб юбора олишига қойил қоламан». «Хайр, Тошкент» шеъридаги мана бу сатрлар шунга далилдир:

**Томирлари уриб турган чексиз далалар,**
**Кенг кўкраклар, кўк этаклар Ўзбекистондир.**

Ҳар биримиз Ватан сўзига Она сўзини улуғ бир муҳаббат билан қўшиб айтамиз. Ҳар икки сўзнинг нури, ҳар икки сўзнинг жаранги бирдек қалбимизни қалқитади. Чунки биз она учун ҳам, Ватан учун ҳам фарзандмиз. Миртемир домланинг «Онагинам» шеърини ўқиб хаёлан ўз онаси пойига тиз чўкиб, қилган хатолари, қилолмаган хизматлари учун узр сўрамайдиган фарзанд камдан-кам топилса керак. Тан олиб айтишимиз керак, шеъриятдаги бу қудрат, бу сеҳр фақат Миртемиргагина хос. Ҳар бир сатри ўкинч ва армонга йўғрилган бу шеърнинг поёни ўзгача ватанпарварлик руҳида якун топади:

**Жиндек зеҳним, жиндек шеърим,**
**жиндек ғазалхонлигим,**
**Оналик меҳрига тўймаган меҳрим,**
**Жиндек яхшилигим ва ёмонлигим**
**Мени одам санаган элимга бахшида.**

Тўғрироғи, Миртемир қалбидаги бор эзгуликни элу юртига бахшида қилолган шоир. Шу боис шоир бир шеърида «Юртим мадҳи бўлсин сўнгги сатрим ҳам», дейди. Миртемир домла ўз элининг бахту саодатини, дунё тинчлигини, халқлар дўстлиги, меҳру оқибатини истаган ва буни ўз шеърларида баралла куйлаган шоир. Бу ўринда шоирнинг «Қорақалпоқ дафтари» туркумини алоҳида эътироф этиш керак.

«Қорақалпоқ дафтари»га кирган ҳар бир шеърни чинакам поэтик кашфиёт, деб аташ мумкин. Унинг кучи ва латофати шундаки, у Қорақалпоғистон ҳақидаги тасаввурларимизни бойитибгина қолмайди, балки қорақалпоқ қалбини қалбимизга янада яқинроқ қилади, уларни бир-бирига туташтиради ва шу тариқа икки халқ ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилади».

Табиийки, ҳар доимгидек ҳурматли домламиз Озод Шарафиддинов ушбу эътирофида ҳам барчанинг дилидаги гапни топиб айтган.

Аввало шуни таъкидлаш keракки, бугунги Қорақалпоғистон, бугунги Нукус шаҳри бу мустақиллик қудратининг тимсоли. Мустақиллик қудратининг жамоли! Барчамиз Президентимизнинг яқиндагина Қорақалпоғистонга ташрифи, қорақалпоқ халқи, меҳнат аҳли, кенг жамоатчилик, ёшлар билан бўлиб ўтган учрашувларини зўр қизиқиш билан кузатдик. Оролни асраш — халқни асраш, ўсиб келаётган ёш авлодни асраш эканлиги, туғилажак гўдаклар ва оналар саломатлигига масъул эканлигимиз ҳақидаги фикр-мулоҳазалари қорақалпоқ халқининг кўнглини тоғдек кўтарди.

Шу ўринда Миртемир домланинг қорақалпоқ халқига бўлган муҳаббатини, ижодкорлар ўртасдаги самимий мулоқотни Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида эвара шогирдлар ҳам давом эттиряпти, десак тўғри бўлади. Чунки ҳар икки йилда ёш ижодкорларнинг Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа туманида бўлиб ўтадиган «Ақчакўл илҳомлари» семинари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Миртемир домланинг ижодий фаолияти ҳақида фикр юритган ижодкорлар, олимлар унинг таржимонлик санъатини юксак баҳолашади. Шоир тинимсиз меҳнат ва машаққат эвазига Н.А.Некрасовнинг «Россияда ким яхши яшайди», Ш.Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» каби йирик асарларни, Пушкин достонларини, Ҳомернинг «Одессия» эпоси ва қирғиз халқ достони «Манас»ни, шунингдек, қорақалпоқларнинг «Қирғизқиз»ини, Абай, Махтумқули, Самад Вурғун каби қардош халқларнинг таниқли шоирлари шеърларини зўр маҳорат билан таржима қилди.

Юртбошимиз «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» рисоласида: «Ижод — бу ўзини қийнаш, машаққат чекиш, ҳузур-ҳаловатдан воз кечиш, том маънода фидойилик демакдир. Чинакам ёзувчи одамларнинг дарду ғами билан яшаши, халқ ичига кириб бориши, ўзи учун илҳомни, янги мавзуларни шу ҳаётдан, унда бўлаётган ўзгаришлардан олиши кераклигини барчамиз яхши биламиз», дея алоҳида таъкидлайдилар. Дарҳақиқат, улуғ адибларимизнинг ҳаёт йўлларига назар солсак, бу ақидага қатъий амал қилганларига гувоҳ бўламиз. Шу боис улар ўлмас асарлар яратган, шу боис улар элу юртнинг назарида, ҳурмату эъзозида.

Миртемир домла саодатли кунлар орзусида қалам тебратган, халқига муҳаббатли, Ватанига содиқ, иймон-эътиқодда собит, тоза дил инсон бўлганлар. Устозлик меҳру муҳаббати ила шогирдлари — «киприклари»ни қароғида асраган шоир. Мустақиллигимиз боис Миртемир домла ижоди бемисл қадр топди.

Юз ёш — устоз ижод йўлининг илк асри. Унинг дилбар шеърлари, беназир достонлари, ўлмас қўшиқлари, ҳароратли таржималари асрлардан асрларга ўтаверади. Чунки у ўз самимийлиги билан барча замон одамлари учун ёғду сочиб тураверади. Яхши шеър, яхши қўшиқ эса ҳамма вақт сув билан нон каби азиздир. Азизликни, эзгуликни элнинг азизу мукаррам инсонлари яратади. Миртемир домла ана шундай инсон эди.

**Маҳмуд ТОИР,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

# Ойдин туйғуларнинг жозиб талқини

Ҳозирги ўзбек шеърияти кўнгилга таъсир қилишнинг янги босқичига кирди: шоирлар ўқувчи руҳиятига унинг қулоғи орқали эмас, юраги орқали кириб боришга уринмоқдалар. Бу ҳол шеърда эшитувчига ором берадиган унсурлар бўлишини шарт қилиб қўядиган шаклий талаблардан воз кечиш имконини туғдиради. Шу туфайли шеърият янада ингичкалашди, ичкинлашди. Гарчи шаклий изланишларга ортиқча берилмаган бўлса-да, Ойдиннисонинг шеърларида мисралар сўнгидаги қофиянинг мусиқийлигини таъминлашдан кўра, руҳиятни моддийлаштиришга уриниш хусусияти етакчилик қилаётганини кузатиш мумкин. Шоиранинг яқинда "Янги аср авлоди" нашриётида чоп этилган "Қайтиш" номли тўпламидаги шеърларидан бирида ўқиймиз: "*Сен кимсан? На келдинг, на кетдинг, Вужудинг лиқ тўла бўм-бўшлик. Ким билар бормисан, йўқмисан? Борлигинг йўқлигинг қадардир. Бир дунё дунёсизлик*?". Ушбу мисралар шахс маънавиятида бўлиши шарт ҳисобланадиган асл фазилатларни айтмай туриб акс эттириши, бинобарин, замондош ахлоқига таъсир кўрсатиш имконининг улканлиги жиҳатидан ҳар қандай ижтимоий шеърдан устун турса турадики, асло кам эмас. Негаки, бу сатрлар қатидаги туйғулар самимий ва чинлиги боис, ўқувчида ҳам айни сезимларни уйғотишга хизмат қилади.

Шоира табиатни кўнглининг ташқарисида, руҳиятидан бегона борлиқ тарзида қабул этмайди. Шу боис совуқ ёмғир унинг кўнглига ёғиб, намиқтирса, шамол руҳиятини сергитгандай бўлади. Ойдиннисонинг шеърларида кўнгилга доир бўлмаган нарса жуда кам. Юракка мансублик ўз ҳолича ижтимоий салмоғи бўлмаган жўнгина ҳодиса ю ҳолатга таяниб ҳам анча таъсирли руҳий манзара чизиш имконини беради. Инсон истакларининг чегараси бўлмагани каби, унинг туйғулари ҳам сира ҳад билмаслигини шоира ажиб бир соҳирлик билан акс эттиради. Шеърларида одамнинг ҳар қандай бирхилликдан зерикишга маҳкум яратиқ экани, ҳатто доимий бахт ҳам инсонга малол келиши, уни ўзида бўлмаган нимагадир интилтириши мумкинлигини бор инжалиги билан кўрсатади:

***Туннинг юзини юв,***
***оқарсин,***
***Юлдузларни***
***тергин бир ёнга.***
***Ҳисларингни***
***жиловлаб олгин,***
***Ошиқавер, шу кўйи***
***Тонгга.***

Одам зотининг тундан тонгга интилиши табиий ва бу ҳақда сон-саноқсиз шеърлар битилган. Лекин тинимсиз одамнинг бу билан қаноатлана олмаслигини Ойдиннисо бетакрор йўсинда талқин этган: "*Кўтариб қўй, куннинг қаддини, Тинмаётган ёмғирни терга. Кўкка бўя хазон рангини, Ошиқавер шу кўйи Тунга*". Бу мисраларда руҳий ҳолат билан бирга туйғу тадрижининг динамикаси ҳам акс этган. Шоира сезимларни турғун ҳолатда тасвирлабгина қолмай, унинг лаҳза сайин ўзгариб турувчи товланишлари жилвасини ҳам беради. Кўринадики, шоира ўз битганларида воқелик етовида юрмайди, балки борлиқ унинг поэтик тизгинида бўлади.

Бир шеърида у севгисиз, туйғулар тўфонисиз кечирилган ҳаёт ҳақида: "*Вақт ҳам яшаб ўтди вақтида*", деб ёзади. Сиртдан сўз ўйинига ўхшаб кетадиган бу тасвир замирида ҳақиқатнинг зилдай юки бор. Унда чинакам ҳаётга айланмай, шунчаки вақт ҳолида кечирилган умр акс этган. Шоира бирбирига яқин икки инсоннинг севгисиз, демакки, мазмунсиз тириклигини "*Бирдек кавшаяпмиз ҳаётимизни*" йўсинида ифода этади. Ўз ҳаётига мазмун бағишлаш йўлида ҳеч нарса қилмаган, қилолмаган, қилишни истамаган одам кечирган ҳаёт умр эмас, балки кўргилик экани шоира томонидан назокатли бир изтироб-ла ифода этилади: "*Сен шошмадинг, мен кечикмадим, Дунёга вақтида келдик аслида. Фақат кўнгил тунда уйғониб кетди, Биз кўз очиб қўйдик вақтида*". Ўз умрига тот, ҳаётига маъно бериш учун вақтдан ўзиб ҳаракат қилмаган лоқайд кимсаларнинг зерикарли мавжудлиги долғасиз сўзлар орқали сиртдан хотиржам йўсинда, аммо замирида умонларни ғалаёнга келтиришга қодир ададсиз изтироб ҳолатида акс эттирилади. Шеърнинг биринчи мисрасида сабаб, иккинчисида оқибат кўрсатилади. Уларнинг оддийгина изоҳи бўлиб туюлгувчи кейинги мисраларда лоқайд ва мазмунсиз мавжудлик айтилмай акс эттирилган. Чинакам шеърий сўзнинг жозибаси айни шунда намоён бўлган.




Чинакамига севган, астойдил суйгани сабаб омонсиз куйган кўнгил фарёдлари шоиранинг бошқа бир шеърида: "*Мен юрмадим – йўллар югурди, Мен шошмадим – тинмай шошди вақт. Юрагимдан юзим ўгирдим, Тўхтаб турдим яшашдан бирпас*" тарзида ифода этилади. Вақти кутиш билан ўтаётган лирик қаҳрамоннинг шиддатли замон олдидаги ожизлиги, улуғ илинж йўлида юрак ўртанишларидан-да юз ўгириб, унинг истагу ройишларига бўй бермай, ўзини яшамай туришга мажбур қилган кўнгил кишисининг ноаниқ ва мубҳам ҳолати ушбу мисраларда ғоят тиниқ тасвирланган. Шоиранинг маҳорати шундаки, у ёниқ севги иштиёқидаги шахс кутаётган улуғ туйғуга муносиб кўрингиси келганини ишонарли тасвирлайди. Аёлнинг қалтис ва ўзининг ҳаёт-мамоти ҳал бўлаётган вазиятда ҳам аёллиги бирламчи экани шеърдаги нозик бир ишора билан таъсирли кўрсатилади:

***Яшамасдан***
***ҳимоя қилдим,***
***Сочларимнинг***
***қуроларини.***

Саодатли фурсатни кутишнинг бундай ифодаси улкан поэтик тажрибага эга ўзбек шеъриятда ҳам ғоят сийрак учрайдики, бу шоира туйғуларининг самимийлигидан ташқари, унинг ифода маҳорати чархлангани белгиси ҳамдир. Ойдиннисонинг шеърларида маҳзун оҳанг устуворлик қилади. Тўғри, аслида чин шеър дарддан туғилади, дейишади. Лекин дарду бир бўлгани билан қайғуришнинг йўсинлари саноқсиз: унга кимдир исён, кимдир инкор, кимдир сабр билан ёндашади. Шоиранинг лирик қаҳрамони шикаста кўнгил ҳолатларини ички хотиржамлик, хаёлга сиғмас собиралик билан майин ифодалайдики, бу майинлик замирига жо этилган инсоний дарднинг миқиёси шеърхонни ҳайратга солади. Ойдиннисонинг шеърлари ўқувчини курашга чорламаслиги мумкин, лекин ўйга толдириши аниқ. Инсоннинг ўйлай бошлаши унинг тозаришига умид туғдиради. Шоира овозини баланд кўтармай, оламга қофияли фарёд солмай жаҳоний миқёсдаги туйғуларни тасвирлай билади. Унинг шеърларида акс этган туйғулар сиртдан сокин, аммо тез оқадиган теран дарёни эслатади. Зеро, лирик қаҳрамон учун суюклининг борлиги кифоя эмас, у ошиғининг шахс бўлишини, ўзи бўлишини орзулайди. Унинг ёрда ёрни излаб зир югуриши сабаби шунда:

***Пайпасладим***
***руҳингни узоқ,***
***Вужудингни***
***силтаблар кўрдим.***
***Тўкилмадинг***
***ўзингдан бироқ.***
***Ҳар тарафга***
***зир-зир югурдим.***

Маҳбубага ёрнинг борлиги етарли эмас, у ошиғининг "мен"ликка, ўзликка эга бўлишини истайди.

Шеър ниҳоясида ёрда ёрни топиш қарорида собит бўлган, шу тутум йўлида тиним билмаса-да, мақсадига етолмаган маҳбубанинг ҳолати авж нуқтада тасвирланади:

***Туни бўйи сенга термулиб,***
***Сенсизликдан***
***толиқди кўзим.***
***Сени сендан***
***излаб топмадим,***
***Энди қайдан топай,***
***азизим?!***

Ошиқда "мен"лик йўқ, лекин у лирик қаҳрамон учун ҳамон "азизим" мақомида. Юракка, айниқса, севган юракка буюриш, уни тўғри ва осон йўлдан юришга ундаш бефойда.

Ойдиннисо — ўта нозик ва инжа туйғуларни шеърга соладиган шоира. У руҳиятдаги оддий назарларга илинмайдиган ҳолатларни илғаб олиб, сўз ёрдамида моддийлаштиришга моҳир. Шоиранинг бир шеъридаги: "*Менга мени алдашиб юбор*" мисраси унинг тасвир имкониятлари қанчалик кенг эканини кўрсатади. Бу тўртгина сўзда суйган инсон учун суюклисининг садоқатини таъкидловчи ёлғон хабар барча чинлардан чинроқлиги, севгувчи кўнгил айиргувчи ҳақиқатдан кўра, висолга элтувчи алдовга муштоқлиги бетакрор йўсинда акс этган.

Ҳар қандай инсон ҳаётида топишдан кўра йўқотиш, эгалланган маррадан кўра армонга айланган орзулар мўлроқ бўлади. Шоира лирикасида қисматнинг ана шу аччиқ ҳақиқатини англабгина қолмай, кечириб ҳам бораётган, аммо умид қилишдан толмайдиган сабот бўй кўрсатиб туради. Айрилиқ уни яшашдан толдиролмайди, ҳаётга қўл силташга мажбур этолмайди, балки янгидан янги умидлар сари ундайди. Ундаги бу некбинликка:

***Ўз умримга***
***чап бериб келдим.***
***Яшаб яшамадим,***
***ўлиб ўлмадим.***
***Охири...***
***охири бағрингга тўлдим,***
***Аммо юрагингга тўлмадим —***

мисраларида акс этган афсуслар монелик қилолмайди. Шоира тийнатидаги енгилмас ўктамлик ҳеч бир ўринда очиқ кўринмаса-да, зимдан айрим битикларида эркаланаётган ўксик кўнгилдан чиққан саволлар тарзида намоён бўлади. Уларда шоиранинг миқёсли шеърий назари ҳаётий миқёсларнинг ўрнини алмаштириб юборгандай бўлади:

***Етиб бўлмас***
***осмонмисан, айт,***
***Ой, қуёшинг,***
***юлдузинг борми?***
***Эртаю кеч тўлами бағринг?***
***Сиғдиролмайсанми***
***мен — Ойни?***

Бу мисралар замирида тортинибгина қилинаётган эркалик, ошиқнинг фаросатига суяниб бошланган адабий ўйин ҳам бўй кўрсатиб туради. Тўртликдаги "ой" ҳам маъжоз, ҳам реалликни ифодалайди.

Барча истеъдодли ижодкорлар каби Ойдиннисо ҳам ўз шеърларида тилимизга бир қатор янгича ифода, бирикма ва сўзлар олиб киради. Шоира томонидан "*Бахтлаб бораётир қўлларим*", "*Сочимнинг ҳар толасига кўнгил илдим*" каби ибораларнинг кашф этилиши бадиий тилимиз тасвир имкониятларини кенгайтиришига шубҳа йўқ. Булар Ойдиннисога олам ва унинг ҳодисотларини шунчаки тасвирламай, образли ифодалар воситасида ҳиссиётга таъсир этадиган, ёдда мустаҳкам қоладиган тарзда тасвирлаш имконини берганки, айни ҳол унинг битганларини ўқишли қилган. Шеъриятнинг машаққатли йўлига тушган истеъдодли шоирага поэтик ойдинлик ёр бўлишини тилаймиз.

**Қозоқбой ЙЎЛДОШ**

# ТАНСИҚ МЕВАДЕК ТОТЛИ АСАР

Амударёнинг ёқасида туриб табиатни кузатсангиз, дунё бўйлаб ҳозир жуда машҳур бўлиб кетган "Қуёш Шарқдан чиқади", деган иборанинг нақадар топиб айтилганига гувоҳ бўласиз. Бу сўзни табиат воқеаларига нисбатан ҳам, кўчма маънода ҳам ишлатиш мумкин. Таниқли адабиётшунос, тиниб-тинчимас олим Пирмат Шермуҳаммедовнинг "Яхшилар баҳори ёхуд Маҳмуд Замахшарий даҳоси" номли илмий-маърифий романини ўқиб, негадир юқоридаги ибора тез-тез ёдимга тушаверди...

Айттандай, Пирмат оғамизнинг ўтган йили нашр қилган "Абу Райҳон Беруний ёхуд даҳонинг туғилиши" номли илмий-маърифий асарининг қорақалпоқ тилига таржимаси ҳали асар ўзбек тилида ўқувчилар қўлига етиб бормасданоқ бошланган эди. Сабабини биласиз — Беруний бобомиз айнан Жайҳун (Амударё) этакларида дунёга келган, яъни бундан минг йил муқаддам улуғ бобомиз мана шу — биз сув ичиб турган дарё ёқасида туриб дунёга юзланган. Ким билади дейсиз, бу улуғ аллома ҳар гал Жайҳуннинг табаррук сувларига юз чайиб ўтириб, балки юқоридаги "Қуёш Шарқдан чиқади" деган иборани ёдга олгандир, шу иборадан илҳомлангандир, янги-янги кашфиётларга йўл излагандир...

Мана, қўлимизда янги бир асар. Унинг қаҳрамони Маҳмуд Замахшарий. Бу улуғ аллома ҳам табаррук воҳада илк бор кўз очиб, дунёга боққан, у ҳам мана шу дарё сувини ёқалаб чопган. Ким билади дейсиз, то шу кунгача илм аҳлини, араб тили ихлосмандларини ҳайратга солиб келаётган бобомизнинг "Ал-Унмузаж", "Ал-Муфассал" номли китобларининг илк сатрлари мана шу дарё ёқасида қоғозга тушгандир...

Тўғрисини айта қолай, Беруний ҳақидаги романнинг ҳам, Замахшарий ҳақидаги романнинг ҳам дастлабки, хомаки нусхалари қоғозга тушаётган пайтдан бошлаб, бу асарларнинг қандай ёзилганию, китоб бўлиб чоп этилгунига қадар, асарлардаги ҳар бир маълумот, ҳар бир детал қандай ишлангани, асар композицияси қайта-қайта тузилганидан бироз бўлса-да хабарим бор. Нафсиламрини айтганда, муаллиф бу асарлар устида завқ-шавқ билан ишлади, илҳом билан ишлади. Мен Пирмат оға билан мамлакатимиз вилоят ва туманларида, турли хил сафарларда бирга бўлганман (у киши кўп йиллар Ўзбекистон Телевидениесининг "Ахборот" дастури учун кўрсатувлар тайёрлаб юрди, мен шу йилларда "Қорақалпоқтелефильм" корхонасининг ижодий раҳбари эдим), у кишининг асар ёзиш, асарга қайта-қайта ишлов бериш усулларидан ҳам озми-кўпми хабарим бор, унинг изланувчанлиги, ҳар бир тарихий факт ва воқеадан асарда фойдаланиш маҳоратига қойил қолганман, ҳавасим келган. Шу ўринда Пирмат Шермуҳаммедов аслида тарих-филология соҳасида асосли билим олгани ҳам бежиз кетмаганини айтиб ўтишим даркор. Яъни Пирмат ака адабиётчи бўла туриб тарихни пухта билиши, тарихчи бўла туриб, бадиий асар ярата олиш қобилиятига эга эканлиги ҳам у ёзган асарларнинг ҳавас уйғотадиган даражада чиқишига пойдевор бўлгандир?!




Мен адибнинг Маҳмуд бобомиз ҳақидаги янги романини ҳам қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Маҳмуднинг ёшлик пайтлариданоқ илм йўлига интилгани, худо унинг кўнглига илм нурини, ижод нурини, асар яратиш иштиёқини жойлаганию, бутун арабу ажам мамлакатларини кезиб чиққани, яратилажак асарларига заҳмат чекиб маълумот тўплангани ҳақидаги бу ажойиб асарни ёзгани учун, навқирон авлод вакилларини қадим боболаримиз ҳаёти, фаолияти, фидойиликларидан бохабар қилгани учун муаллифга қалбимда миннатдорлик ҳисларини туйдим. Ҳа, ёшларимиз бундай китобларни мутолаа қилиш орқали тарих ҳақида, ота-боболаримиз яшаб ўтган шонли илм йўллари ҳақида кўпдан-кўп янги, хилма-хил маълумотларга эга бўладилар, Беруний, ибн Сино, Замахшарий, Рашидиддин Ватвот, Умар Ҳайём сингари ўтмишдаги мунаввар сиймолару, улардан бошқа ҳам кўплаб оддий кишилар, ҳунармандлар, саркардалар, карвонбошилар, ҳукмдорлар ҳаётини, қиёфасини кўз олдига келтира оладилар.

Дарвоқе, Пирмат оға бу романни ўқувчилар диққатига ҳавола этиш билан ҳам тарихчи олим, ҳам адиб, ҳам мураббий сифатида иш юрита олганини ушбу асарларга сўзбоши, сўнгсўз ёзган устозлар таъкидлаб ўтганлар. Масалан, Маҳмуд Замахшарий ҳақидаги романга сўнгсўз битган профессор Зоҳиджон Исломов шундай деб қайд этади: "Дарҳақиқат, Пирмат Шермуҳаммедов кейинги йилларда тарихимиз, илм-фанимиз, адабиётимиз кўкида порлаб турган юлдузлар ҳақида бирин-кетин катта-катта асарлар ёзиб, давр талабларига "Лаббай!", деб жавоб бераётган заҳматкаш олим ва адибдир. Қомусий олим Маҳмуд Замахшарий ҳақидаги ушбу китоб ҳам ўқувчилар қалбидан муносиб ўрин эгаллашига ишонгимиз келади".

Пирмат оға билан ҳозир ҳам тез-тез кўришиб, қўнғироқлашиб, фикрлашиб турамиз. Адиб ҳар гал кўришганимизда қайси бобомиз мозийда илм-фан учун нима хизмат қилгани-ю, бу хизматларининг жаҳон фанида қандай аҳамиятга эга бўлаётгани борасида янги-янги маълумотларни қалаштириб ташлайди. Айни шу кунларда эса Пирмат оға Сирдарё бўйларидан чиққан улуғ бобомиз Форобий ҳақида катта асар ёзаяптилар (бу "сир"ни очиб қўйганим учун узр сўрайман, албатта). Навбатда эса, Ал-Хоразмий бобомиз ҳақидаги романга ишлов бериш ва бошқа буюк бобокалонларимиз ҳақида ёзилажак асарлар кутиб турибди...

"Қуёш Шарқдан чиқади" деган, тилдан-тилга кўчиб юрган иборани ана шу ўринда яна бир бор эслаб қўйинг, муҳтарам ўқувчи!

**Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ,**
**Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси**

## Китобингизни ўқидим

### БИЛДИРИШ

***2010 йил 22 октябр, пайшанба куни соат 11.00да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг шеърият кенгашида шоир Ашурали Боймуроднинг "Меҳр" номли достони қўлёзмаси муҳокама этилади.***

***Муҳокамага шоирлар, олимлар ва барча қизиққанлар таклиф этилади.***

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! тел: 237-21-93; 237-16-24 e-mail: oao@post.uz

Носир МУҲАММАД

# ҲУМО ҚУШИ ҚЎНДИ БОШИМГА



## ШУКРОНА

Ортда олтмиш йиллик умр довони,
Гоҳо хаёлларга толиб қоламан.
Гарчи юрагимда ёшлик армони,
Ҳамон гўзалликка ташна боламан.

Берган қисматингга розиман, Оллоҳ,
Ачинмайман асло ўтган ёшимга.
Истиқлол қуёши сочдию зиё
Ҳумо қуши қўнди гўё бошимга.

Юртимнинг камоли куч-қувват берди,
Гўёки қайтадан бошладим ҳаёт.
Ёрқин келажакнинг ҳаваси, дарди
Тинчимас қалбимга бахш этар сабот.

Неча ўлкаларда қолди изларим,
Қанча дастурхондан тотдим нону туз.
Одамлардан ёлғиз меҳр изладим,
Офтоб чеҳралардан ўгирмадим юз.

Йўлимда дуч келди турфа хил одам,
Неча улуғ зотлар қўлини тутдим.
Китобда кашф этдим буюк бир олам,
Унда ғамларимни буткул унутдим.

Айланишдан тинмас бу кўҳна дунё,
Сўнг манзилга елар умр карвони.
Фурсат олтин билан тенгдир бу асно —
Сарҳисоб замони, ҳикмат замони.

Шукрким, шу юртда топдим мен камол,
Элим билан бирдир бу жону таним.
Юртдан айру кимса топмагай иқбол,
Омон бўлсин озод, обод Ватаним.

* * *

"Бу умрнинг кўпи кетиб, ози қолди"*.
Қиши эмас, ҳосилга мўл ёзи қолди.

Ўнгу сўлга чопган дамлар ўтиб кетди,
Умр фаслин ҳикмат они — сози қолди.

Куйлаб ўтди эл бахтини не-не зотлар,
Мерос бўлиб қўлимизда сози қолди.

Не гўзаллар фироқида ўртанди дил,
Кўнгил ичра муҳрланган нози қолди.

Турналардай учиб кетди неча дўстлар,
Юракларда армонлари, рози қолди.

Носир, умринг беҳудага ўтган эмас —
Дўсту ёрон агар сендан рози қолди.

* * *

Ҳаёт ниҳоясиз туюлар одат,
Кунларин қадрини англамас инсон.
Шам каби эрийди умр ҳар соат,
Ахир, тин олгайми югурук бу замон?

Ҳар кунингни яша сўнгги кун янглиғ,
Дилингда қолмасин ўкинч ва армон.
Ғамлар санчолмасин юрагингга тиғ,
Сўнг дамда аламдан ўртанмасин жон.

* * *

Болаликнинг нигоҳида ўзгадир дунё,
Унда яшар афсоналар, қадим эртаклар.
Улуғ ёшли туюларди кўзимга гоҳо
Қирққа кирган қадди расо аёл-эркаклар.

Кўз ўнгимда ўзгармоқда бу рангин олам,
Мезонлар ҳам энди бошқа,
билмам бу не ҳол?
Олтмиш ёшнинг чўққисидан
туриб қарасам,
Бола бўлиб кўринади саксон яшар чол.

* * *

Дўстим, бол аридан олайлик ибрат,
Кечирмас бир лаҳза умрин бесамар.
Шиори: ёвга — ниш,
дўстга — мурувват,
Яхшига бол тутар, ёмонга заҳар.

* * *

Ҳаёт кимга заҳар,
кимга қанд бергай,
Кимга кучу қудрат,
кимга дард бергай.
Минг бир синовларда
синагай бизни,
Ҳар соат, ҳар лаҳза ўгит,
панд бергай.

* * *

Ҳаёт деганлари гўё бир бозор,
Унда инсон бўлиб яшаш ҳам ҳикмат.
Кунлар маржонининг не қиймати бор
Уни безамаса нурли муҳаббат.

**Қорақалпоқ шоири Ибройим Юсупов мисраси.*

Тошпўлат АҲМАД

# ЧАМАНЛАР БУЛБУЛИ ХУШХОН ИЛА ХУШ



* * *

Бу ҳаёт қучоғи инсон ила хуш,
Гулу гулзор ила, бўстон ила хуш.

Муборак лаҳзалар, ғанимат дамлар,
Ҳожатманд, дардмандга эҳсон ила хуш.

Еру кўк музайян, борлиқ музайян —
Ки олам хуршиди тобон ила хуш.

Куртаклар кўз очар, ғунчалар кулар,
Чаманлар булбули хушхон ила хуш.

Кўнгилнинг эшигин очиқ қўйингиз,
Магар вайронадур, меҳмон ила хуш.

Такаллуф этибон айланг такаллум,
Ҳар уй остонаси мезбон ила хуш.

Муҳаббат қўйида диллар чок эса,
Бўлгайдир ёр ила — жонон ила хуш.

Хушзабон, хушкалом
дўстларни чорланг,
Суҳбату машварат комрон ила хуш.

Аҳмадий, Сўзинг хуш,
созинг хуш, юртга —
Сидқу садоқатинг туён ила хуш...

* * *

Бир ажиб боғ яратганман,
сен не қилурсан?
Дўсту ёрни қаратганман,
сен не қилурсан?

Бу шундайин чаманзорким,
райҳонларига
Оби кавсар таратганман,
сен не қилурсан?

Ҳар бутоғу ҳар ғунчани
ўпиб уйғотган
Булбулларни сайратганман,
сен не қилурсан?

Саҳарларни бедор кутган
Ойни қўятур,
Қуёшни ҳам яйратганман,
сен не қилурсан?

Мўралама, мўралама,
эй бадбин одам,
Бунда рашкни нуратганман,
сен не қилурсан?

Ҳавоси соф, навоси соф,
сурурлари соф,
Орзуларни ҳур этганман,
сен не қилурсан?

Аҳмадийнинг қалб боғи бу,
поклар келсин деб
Аллоҳимдан сўратганман,
сен не қилурсан?

* * *

Одамзот дунёга ё ибодат
Ёким иморат деб келади.
Донишнинг сўзларин ё каромат,
Ёким башорат деб билади.

Одамзот дунёни ё омонат,
Ёким саодат деб билади.
Синонинг сўзларин ё саломат,
Ёки табобат деб билади.

Одамзот дунёни ё камолот,
Ёким аломат деб билади.
Аҳмадий сўзларин ё маломат,
Ёким адолат деб билади.

Асад АСИЛ

# СЎНГГИ ОВ

Воқеий ҳикоя



Машҳур мерганлар ҳақида антиқа ривоятлар эшитганмиз, кўпларининг уй-жойларида бўлиб, тонготар суҳбатларини олганмиз. Ўзимиз ҳам ёшликда овчиликнинг кўчасидан ўтган эдик-да...

Дадам раҳматли овга қизиқишимга қаттиқ эътироз қилмас эди-ю, фақат битта нарсани қайта-қайта уқдириб турарди: "Тағин бутунлай берилиб кетма, ўғлим. Бу касб эгасининг косаси ҳеч қачон оқармаган..."

Ростданам, кўп мерганларнинг уйларида бўлганман-у, тузукроқ рўзғор эгасини учратмаган эдим.

— Нега шундай, бу касбга қарғиш тегканми, ёки бошқа бирон сабаби борми? — деб сўрагандим ўшанда.

— Биринчидан, овчи жонлини жонсиз қилади. Аслида бунга Оллоҳдан ўзга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, — деганди мадраса кўрган, оқ-қорани яхши ажратадиган дадам раҳматли насиҳатомуз гап бошлаб, — овчи халқи топганини милтиққа солиб отворади. Қолаверса, ови юришадими-йўқми, азондан шомгача тентираб, умрини увол қилади...

Шу гаплар таъсириданмикин, ўқиб, касб-ҳунар ўрганиб, бошқачароқ одам бўлдиму, барибир овдан кўнгил уза олмасдим. Лекин бир воқеа сабаб бўлдию, милтиқ отини тутмай қўйдим. Гап шундаки, олис Найзатош қишлоғида овчи танишларим бор эди. Дадам айтганидек, мундайроқ яшашардию, қўллари очиқ эди. Вақти-вақти билан мени йўқлаб туришар, тоғ асали, тоғ пиёзи, хандон пистаю кийик гўшти каби ноз-неъматлардан илиниб туришади. Мен уларнинг идоралардаги ёки бошқа жойлардаги ҳар хил ишларини битириб беришга баҳоли қудрат қарашардим. Ўзаро суҳбатларимизда улар найзатошлик бир мерган ҳақида кўп гапиришарди. Унинг исми Уккибой экан. Бутун бошли юқори депараларда энг ўткир мерган саналмиш бу овчи бир воқеадан кейин касбидан бутунлай воз кечган экан. Бунинг сирини ҳеч кимга айтмасмиш. Ҳар сафар дўстларим Найзатош томонларга овга чиқишимни, Уккибой ота билан таништиришни ваъда қилишар, "гапга чечансан, балки сенга ёрилар", — деб қўлтиғимга сув пуркашарди...

Уккибой отага ўзим ҳам қизиқиб қолдим. Гапни бир жойга қўйиб, ов кунини белгиладик. Мана, ниҳоят, Уккибой ота уйидамиз. Тавба, одам ҳам исмига шунчалик тортадими? Юз тузилишлари, боқишлари, миқтидан келган тошдек гавдаси... Уккибой ота ўрнидан туриб юра бошласа, лапанглаб кетаётган укки ҳозир парвоз қилса керак, деб ўйлайсиз-у, фақат унда қанот йўқ. Уккибой отани уйида бир оз дам олиб, ярим тунда чўққига кўтарилмоқчи бўлдик.

— Биз билан бирга борасизми? — сўрадим кекса овчи билан мулоқотга шайланиб.

— Энди, бизлар қаридик, ўзларинг бораверинглар, — гапни қисқа қилди ҳорғин бир қиёфада қария. Биз аввалдан тайёрлаб қўйилган от ва эшакларга юкларни жойлаб, навбатма-навбат миниб, чўққилар сари равона бўлдик. Қум ва шағалдан иборат сўқмоқ бора-бора "тошйўл"га айланди. Йўлнинг давоми нуқул керагатошлардан иборат эди. Тоғчилар уларни йўниб айланма йўллар ясашган, чорваларини ҳам шу тошйўл орқали ҳайдашар экан. От-эшаклар ориқдан келган бўлса-да, обдан чайир-чандирга айланиб кетган экан...

Мен аввалига ҳайиқиб, инқиллаб-синқиллаб яёв босавердим. Бурним ерга тегай деб қолганини кўрган шерикларим мени қўярда қўймай эшаклардан бирига ўтирғизиб қўйишди. Нуқул тошлардан иборат тубсиз зовларга қараб юрагим увишади-ю, орият кучлилик қилиб, жим кетавердим. Бора-бора кўникдим. Кичикроқ икки кўлдан ўтиб, ғира-шира тонг ота бошлаганда, тош довонлар оралиғига жойлашган ажойиб бир уммончага йўлиқдик. Унда бемалол кемалар сузиб юриши мумкин эди-ю, атрофда ғуррак, каптар, лойхўраклардан ўзга бирон-бир тирик жон кўринмасди. Қизиқ, бу кўллардан бир дарёча сув оқиб чиқарди, аммо тепадан лоақал кичик жилғача ҳам қўшилмасди. Кейин билсам, қалин шағал-тошлар остидан сизиб ўтиб, кўлларга қуйиладиган дарёча кўзга мутлақо кўринмас, шу туфайли ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам кўллар тип-тиниқлигича тураверар, мутлақо лойқаланмас экан.

— Шундай жойларда йирикроқ ёввойи ҳайвонлар йўқмикин? — дедим ҳайратим ошиб.

— Манови Мерганбекка ўхшаганлар тирикжон қолдирармиди, — шеригига қўлини бигиз қилди Қорабой исмли бақалоқ овчи.

— Ўзинг жа оппоқмисан, тоққа нуқул "қуруқ" чиқиб, "ҳўл" қайтасан-ку!

— Бу ишда ҳаммамиз айбдормиз, — шерикларининг баҳслашувига чек қўйди Мерганбек босиқлик билан. — Қадим бу кўлларнинг атрофларида тўда-тўда кийиклар ўтлаб юришар экан. Қолган-кутганларини ўзимиз кўрганмиз, ёлғон бўлмасин, овлаганмиз ҳам. Энди кийикларга етиш учун яна ярим кун йўл юриш керак. Кўл бўйида нонушта қилиб, бироз мизғийлик, бўлмаса меҳмонимизни чарчатиб қўямиз...

Ниҳоят манзилга етдик. Учли чўққилар, қатор-қатор қиру зовлар кўз илғамас уфқларга туташиб кетган. Овчилар эшак-отларни юклардан халос қилиб, ўтлоқларга бойладилар. Кейин мендан нарироққа боришиб, юк қопчаларидан дурбинларини чиқаришди-да, узоқ-узоқларни кузатишиб, бир-бирларига нималарнидир уқтиришди. Сўнг тарқалишиб, атрофдаги тошларнинг кавак-камарларидан кучли ов милтиқларини келтириб, созлаб олдилар...

"Қуруқ" чиқиб, "ҳўл" қайтишнинг дастлабки маъносини энди тушундим. Тоққа милтиқ кўтармай чиқиб, ўлжалар билан қайтишни тоғликлар қисқагина шундай изоҳлар эканлар. Мен эса қўштиғ милтиғим, ўқдонли камзулим тўла ўқ ва бошқа турли ов анжомларимни қопчиққа жойлаб орқалаб юрибман, камида йигирма килограмм чиқаров. Уларни созлаб, мен ҳам овга шайландим...

— Сиз шоир одамсиз, мана бу ерда ёнбошлаб атрофни томоша қилинг. Ҳа, айтганча, устингиздан Улар (ёввойи курка) учиб ўтгудай бўлса, "ўн олти"нгиз билан отиб оларсиз. Бу тоғларда сиз учун бошқа ов йўқ.

— Каклик-чи? — сўрадим ҳафсалам пир бўлиб.

— Какликлар анча пастда яшайдилар. Айтмоқчи, манови дурбин ҳам сизга асқотади, бизларнинг ов овлашимизни кузатиб, зерикмай ўтирасиз...

Йигитлар сойма-сой ошиб кетдилар. Улар бир ғойиб бўлар, бир кўриниб қолар, тошу шағаллар устларидан шунчалар усталик билан ўтар эдиларки, бирон шарпа сезилмасди, овоз эшитилмасди. Қорабой олдинда, Мерганбек ўртада, Ўскантой юқорида, довонма-довон ошмоқдалар. Овчиларнинг бу усули азалдан бор: биридан қочган ов иккинчисига, ундан ҳам омон ўтса учинчисига йўлиқади...

Бир маҳал Қорабой тош панасига ўтди-да, дурбин билан синчиклаб кузата бошлади. Кейин шерикларига нималарнидир имо-ишора қилди. Улар тошлар орасида бирдан ғойиб бўлдилар. Қорабой аста кўтарилиб милтиғини тўғрилай бошлади. Дурбин билан овчи мўлжаллаётган томонга қарадим. Унча узоқ бўлмаган масофадаги тош устида каттакон тоғ эчкиси овчига тикилиб қотиб турар, туёғини тошга уриб-уриб қўярди. "Овчини кўрди-ку, нега қочмаяпти, тағин туёғини тошга ургани нимаси?" Тош ёнбошидаги ўтлоққа қараб бунинг сабабини тушундим: майса орасида эчкининг кўзга кўриниб қолган боласи ўтлаб юрарди. Она кийик (ёввойи тоғ эчкисини биз томонда шундай дейишади) боласини ҳимоя қилиш учун ўзини нақд ўққа дучор қилаётган экан!

— Қорабой, отманг, боласи бор экан!

Менинг ҳайқириғим билан бир пайтда ўқ гумбурлади. Она кийик тикка зовга — Қорабой томонга думалаб кетди. Ўқ овозидан чўчиб тушган улоқча сакраб тош устига чиқди-да, чўзиб-чўзиб маъраганча онасини излай бошлади. Шу зум яна ўқ овози янграб, улоқча ҳам онаси ортидан равона бўлди!.. "Эҳ, номард, боласи бор эчкини отди-я! Улоқчасини қандай кўзи қийдийкин-а?!" Шериклари тезда Қорабойга ёрдамга келдилар. Она кийик ва боласини кўтаришиб, менинг олдимга олиб чиқишди. Она-бола жайронларнинг кўзлари очиқ қолган, улар жуда мунгли, мижжаларида ёш йилтирарди. Буни кўриб ичимдан бир нима узилиб кетгандек бўлди.

— Ҳа, шоир ака, намунча қайғуга ботмасангиз? — ўлжаларни нимталар экан, менга қараб-қараб қўярди Қорабой. — Овчи халқи тошбағирроқ бўлиши керак. Ов овчилар учун яратилган. Ё ўзингиз жонлини бежон қилмаганмисиз?..

— Она-болани отиш шартмиди, такаларни овласаям бўларди-ку?!

— Боласини кўрмай қоппан-да, шоир ака. Униям отмасақ барибир иту қузғунларга ем бўп кетарди, — дея Қорабой шерикларига юзланди. — Энди шоир акамиз айтган такаларга навбат.

Хуллас, тоғ тепасида икки кун ов қилиб, Уккибой отаникига қайтдик. Ўлжаларни тақсимлаб, менга ҳам улуш ажратдилар. Кўз олдимдан она-бола кийикларнинг мўлтираган кўзлари кетмасди, улушни рад этдим. Уккибой ота менга ҳайрон боқди.

— Аразладингизми, ҳалиги воқеадан-а? — беписандлик билан гапириб қўйди Қорабой. — Аразлаган қуруқ қолаверади, овнинг расм-русуми шундақа! Ҳалиги... ёзувчилигингиз бор, тоғдаги воқеани ёзиб-позиб юрманг, тағин.

— Ёзсангизам номларимизни ўзгартириб ёзинг, — Қорабойнинг гапига қўшимча қилди Мерганбек. Ўскантой, ҳар доимгидек, индамай ўтираверди. Шунданми, унинг лақаби "Ўсканжим" экан.

Овчилар менинг улушимни Уккибой отага қолдиришиб, уй-уйларига тарқалишди.

— Телим (улуш)дан нега воз кечдингиз? — ҳайронлиги тилига кўчди Уккибой отанинг. — Тоғда нима бўлди ўзи?

Она-бола кийик воқеасини ва бундан буён қўлимга милтиқ олмаслик ҳақидаги аҳдимни эшитган Уккибой ота кулимсиради-да:

— Овчиликда не балолар бўлмайди, — деди қўл силкиб. — Менинг саргузаштларимни эшитсангиз, билмадим, не куйга тушар экансиз?.. Ёки биттагинасини айтиб берайми?.. Майли ҳовурдан тушишингиз учун айтсам айта қолай, — ўзи сўраб ўзи давом этди мезбон. — Кўриб турибсиз, сўққабошман. Менинг ҳам тўкис оилам, хотиним бор эди. Бечора содда тоғ қизи мерганларнинг сарасига турмушга чиққани учун дастлаб ўзини жуда бахтиёр сезарди. Кейинроқ пушаймон бўлди-ю, кеч эди...

Мен бунақа кийик-пийик овламасдим, фақат айиқларнинг сараларини танлаб отганман. Бир кун "Қоронғи тўқай"да тўсатдан кичикроқ айиққа дуч келиб қолдим.

Қоронғи тўқай ўз номи билан хилват жой эди ўша пайтларда. Кейинчалик дарахтлари кесилавериб, тирикжонлари овланавериб оддий тўқайга айланиб бўлди...

Бир кун бир айиқ типпа-тик турганча менга қучоқ очиб келяпти. Айтдимку, мен айиқларнинг энг йирикларини танлаб отардим. Бу эса кичикроқ, худди мен билан қучоқлашишга шайланган каби бемалол келяпти. Отмасликнинг иложи йўқ, бир ўқ билан қулатдим. Кейин қулайроқ жойга судраб ўтиб, терисидан лошини ажрата бошладим. Терисини шилиб бўлиб, бундоқ қарасам... ё пирай, қаршимда гўёки хотиним қип яланғоч бўлиб ётибди-да! Хаёлимда: "Қадим бир эру хотин шаккоклиги туфайли қарғишга учраб айиқ бўлиб қолган экан, айиқлар шулардан тарқалган..." деган ривоят жонланди. Мен шафқатсиз овчи эдим, аммо айнан мана шу жойда кўнглим бир хил бўлиб кетди. Аммо дарров ўзимни қўлга олдим-да, айиқнинг айнан ёш аёлларникидай бўлиқ сийналари ва кераксиз бошқа жойларини кесиб ташладим. Лошини қопларга жойлаб, шаҳардаги келишилган дўконга элтиб бердим. Бари бир бу воқеа кўз ўнгимдан сира ўчмасди. Мен аҳмоқ шуни хотинимгаям гапириб берибман-а! Аёлимнинг биринчи ҳомиласи эртасигаёқ тушди-қолди! Йигитчилик эканми, буниям унутиб, айиқ овини давом эттиравербибман. Кейинги гал эса!..

Қарасам, Уккибой отанинг уккинидек катта-катта кўзларидан шашқатор ёш оқипти. Овози ҳам титраб-титраб ўчди. Кейин нима бўлди деб сўрашгаям тилим бормайди. Қарияга чой қуйиб узатдим. У бир сипқоришда пиёлани бўшатди-да, "гапиролмайман, қолганини эртага..." дея ўрнидан қўзғалди...

Обдан чарчаган эканман, чошгоҳгача ухлабман. Ўрнимдан туриб ҳовлига чиқдим: бир-икки дапқир ёмғир ёғиб ўтган. Бу атрофдаги тоғлар тароватини кўринг! Қуруқ оппоқ қоялардан иборат Найзатош қуёш нурида зардек товланади. Тиккайган бирор ўт-ўлан ёки дарахт йўқ. Унга қарама-қарши томондаги Бахмалбулоқ тоғи эса бошдан-оёқ яшил либосга бурканган. Ушбу эгиз тоғлар орасида ўн-ўн беш чоғли хонадонга эга Найзатош қишлоғи жойлашган. Кеча қоронғида қайтганимиз учунми, обдан ҳориганлигимданми, такрорланмас бу гўзалликларни пайқамаган эканман.

Собиқ мерганнинг хонадони атрофларини кузатдим: олмазор, шафтолизорлар алоҳида. Сара мевалар обдан етилган. Ҳар бири кафтга сиғмайдиган оқ шафтолилар "мендан яхшироқ қандай неъмат бор?!" деб ўзини кўз-кўз қиляпти. Тунука томли каттагина уйнинг хоналари шинам, шаҳарликларникидан сираям қолишмайди. Бадавлатлик сабаби аён: мерган овчиликни ташлагач, боғдорчилик ва деҳқончилик билан машғул экан...

Мен дала айланиб юрганимда, меҳмонхона йиғиштирилиб, нонушта тайёрланибди: каттакон хонтахта усти турли ноз-неъматларга тўла. Шоҳкосада тоғ асали дейсизми, писта-бодомлар дейсизми, қаймоғу сутлар дейсизми!

— Келинг, азизим, тўрга ўтинг, — ўрнидан туриб мени қаршилади Уккибой ота. — Яхши дам олдингизми, кеча обидийда қилавериб, обдан жонингизга теккандирман-а? Сизни ёзувчи дейишади, тағин ёзиб-чизиб юрманг, кўнглим бўшаб гапириб юборибман, ҳеч кимга айтмаган сирларимни...

Шу пайт эшик шартта очилиб, остонада таёқ кўтарган дуркун бир бола пайдо бўлди:

— Дода, молларни яйловга ҳайдаб келдим!

— Баракалла тойчоғим, амакинг билан кўришмайсанми?!

— Ассалому алайкум...

— Ва алайкум ассалом, — лочин кўзли, юмалоқ юзлари бўлали қоматига ярашган болакай узатиб турган лўппи қўлчасини беихтиёр меҳр билан силадим. — Исмингиз нима, отахоним?!

— Нажотбек! — болакайнинг овози ёқимли ва жарангдор эди. Сўнг шартта Уккибой отага бурилди-да, тўкилган меваларни теришга кетдим! — дея хонадан ўқдай отилиб чиқиб кетди.

— Неварангизми? — сўрадим болакай ортидан ҳавасланиб.

— Неварам ҳам, болам ҳам, хуллас, бор-йўғим, жону жаҳоним мана шу бола! — деди Уккибой ота овози титраб. — Мен уни болалар уйидан асраб олганман! Ҳа, энди мавриди келди, кечаги суҳбат давомини айтмасам бўлмас...

Индамадим. Орага гап сиғмас эди.

— Ёшгина жувонга ўхшаш айиқни отиб, биринчи боламдан айрилганимдан кейин ҳам мен овсар хулоса чиқармаган эканман. Аммо хотинимнинг кўнгли совиб, ўзини олиб қочишларини сезиб юрардим. Кўп йиллар бўйида бўлмади. Мен уни юпатишга уринардим, фарзандимиз бўлмаса номимиз бутунлай ўчиб кетишини қайта-қайта гапиравердим. Ниҳоят, хотиним яна фарзанд кута бошлади. Худди шунда овни ташласам ўламанми? — Уккибой отанинг кўзларидан яна ёш оқа бошлади. — Айиқ гўштини хуфёна сотадиган мижозларим қистайвериб сира қўйишмасди.

Қиш қаттиқ келган. Бир ўнгирда она айиқ қишлашини билардим. Бу гал шуни мўлжаллаб овга чиққан эдим. Икки-уч метр қалинликдаги қор устида кетиб боряпману, кўнглим ғаш. Хотинимнинг ойкуни яқинлашган эди. Уйда гўшт ҳам қолмаган. "Хотиним гўштли овқат ейиши керак, йўл-йўлакай бирор ўлжани отиб қайтсаммикин?" деб ўйладим ўзимча. Айиқнинг айнан одамга ўхшашлигини кўргандан бери айиқ гўшти ейишни бас қилган эдик. Отганларимни шаҳардаги таниш дўконга олиб бориб пуллардим-да, хоҳлаган нарсамни харид қилиб қайтардим...

Қалин қор устида авайлаб борар эканман, тепада қанот товушларини эшитдим. Милтиғимни ўнгладиму, учиб бораётган ёввойи куркаларга бараварига иккала ўқдонни бўшатдим. Икки курканинг қанотлари ёпилиб тушиб келаётгани асносида оёғим остидаги қор кўчаётганини сезиб қолдим. Қор кўчиши учун биргина ўқ овози таъсири етишмаётган экан, шекилли. Қутулиш у ёқда турсин, уч-тўрт қадам босишга ҳам улгурмай, катта қор уюмига кўмилиб, пастга юмалаб кетдим!.. Кўзимни очсам, нақ ўзим мўлжаллаган она айиқ қишлайдиган ўнгирнинг қоқ ўртасида ётибман!.. Чамамда, мени думалоқлаб ўраб олган "қор кўрпаси" фалокатлардан асраган-да, ўнгирга тушиб урилгач, сочилиб кетган...

Аста қўзғалдим, ҳеч қаерим шикастланмабди. Ўрнимдан турдим-да, қорнинг ғира-шира ёруғида ташқарига йўл қидирдим, қани энди чора топилса! Улкан қор тоғи қуршовида қолганимни пайқаб, бутун вужудим музлаб кетди. Хаёлимга лоп этиб ойкуни яқин хотиним келди. Қандай қилиб бўлсаям қуршовдан соғ-омон чиқишим, хотинимнинг ёнида бўлишим керак! Баданим музлаб борарди. Нажот излаб, ғор ичкарисига юрдим. Умид қилганимдек, катта она айиқ ёнбошлаганча қиш уйқусида карахт, биттагина боласи бир кўкрагини оғзига солиб эмиб ётарди. Мен унга аста яқинлашдим. Мукка тушган қўйи бўш кўкракни сўра бошладим. Илиқ сут таъми баданимни яйратиб, жонимга ором бахш айлади. Бора-бора қўрқув йўқолиб, мени уйқу элитди... Шундоқ қилиб, азизим, айиқ билан она-бола бўлдик. Неча кун айиқ эмиб ётганимни билмайман-у, қор қуршови эриб, бир жойда ғира-шира туйнук очилганини кўриб қолдим. Мени эмизиб қишдан омон-эсон чиқарган айиқ "онам"га ва ризқини баҳам кўрган "укам"га миннатдорчиликларимни кўз ёшларим ила изҳор айлаб, уйимга шошилдим. Йўлда келар эканман, бундан буён қўлимга милтиқ ушламаслик, айиқларни, умуман, тирик жонларни жоним борича ҳимоя қилиш учун қайта-қайта онт ичардим, хотиним ва боламни омон-эсон сақлаш ҳақида Тангри Таолога ёлворардим. Афсус, овга жўнаётганимда қодир Оллоҳ ёдимда йўқ эди. Хотинимни Улуғ Зотга омонат топширмаганман, таваккул қилмаганман. Тўлғоқ дарди азобида қолган хотиним қийнала-қийнала туғибди-ю, оламдан ўтибди. Кейинроқ хабар топган қўшниларим мени ўлганга чиқаришиб, хотинимни ва кун кўролмаган мурғакни бир жойга дафн этишибди. Охирги овим мана шундоқ фалокат билан тугаган, азизим!..

— Бу сирларни нега ҳалиги йигитларга айтмагансиз?

— Айтсам, айиқни отиб, боласини қўшиб сотиб юборишарди-да!

Уккибой ота оёқларини чўзиб юборганча ҳўнг-ҳўнг йиғлар, уни юпатишга ожиз эдим. Сал олдинги табиат гўзалликларидан олган ҳайратларимдан асар ҳам қолмади. Фақат бир илинж кўнглимга таскин берарди: "Нажотбекни астойдил ўқитиб, тарбиялаймиз. Бизнинг уйимизда туради. Бу жойлар тоғ ҳовлиси бўлиб қолаверади. Ўсиб-улғайиб, ўрганиб, она-табиатимизнинг ҳақиқий ҳимоячиси бўлсин! Уккибой отанинг тирикликдаги армонларига малҳам қўйсин".

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ
1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламлари кляссер ва буклетларда сотувда мавжуд.
Сайт: www.pochta.uz ; e-mail: oao@post.uz

Бошланиши биринчи саҳифада

# ҚЎШИҚ — ХАЛҚ МУЛКИ

*Замонавий қўшиқчилигимиз таҳлили*

Лекин айни вақтда санъат остонасига қадам қўяётган аксарият ёшларнинг, баъзи ҳолларда таниқли хонандаларнинг хатти-ҳаракати ва айтаётган қўшиқлари билан ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётганларидан кўз юмиб бўлмайди. Салбий ҳолатлар биринчи навбатда матн ва куй танлашда кўзга ташланади. Зеро, бугун қўшиқлар матни ҳақида матбуотда ҳам, бошқа оммавий ахборот воситаларида ҳам кўп танқидий фикр билдирилмоқда. Қўшиқлар матнининг пала-партишлиги, саёзлиги, ҳатто баъзи ҳолларда ғоявий ночорлиги, куйларнинг турли миллат оҳангларига аралаш-қуралашлиги ҳақида бот-бот гапирилаётган бўлса-да, аҳвол шундайлигича қоляпти.

Хонанданинг саҳнада, экранда ўзини тутиши, кийиниш, сўзлаш маданияти, тўйларда қўшиқчиларнинг ўзаро муносабатлари, устоз-шогирд анъаналарига садоқати, клиплардаги миллий менталитетимизга ёт ҳолатлар ҳақида ҳам шундай фикрларни билдириш мумкин. Юқорида санаб ўтилганларнинг бари санъаткор одоби, санъаткор маданияти деган тушунчаларга бевосита дахлдордир.

Яқинда "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасида Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган давра суҳбати айнан санъаткор одоби ҳақида борди. Унда бирлашма раҳбарияти ва ходимлари, таниқли ва ёш хонандалар, шоир ва бастакорлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди. Эркин мулоқот давомида давра қатнашчилари санъаткор одоби мезонлари ҳақида фикр юритадилар.

"Ижодкор сифатида ҳам, оддий бир тингловчи сифатида ҳам ҳар биримиз қўшиққа муносабат билдиришга ҳақлимиз, деб ўйлайман, — деди ўз сўзида Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши раиси, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо. — Қўшиқ халқнинг орзу-ўйларини, интилишларини, дунёга, одамларга, атроф-муҳитга муносабатини акс эттирар экан, шу халқнинг талаб ва эҳтиёжларига жавоб бериши керак. Ҳар бир одамнинг баркамол шаклланишида муҳим омил бўлиши лозим. Қўшиқ ижрочисининг ўзи ҳам ҳар томонлама шаклланган, маънавияти юксак шахс бўлиши шарт. Бинобарин, бундай масъулият юкини кўтариш осон эмас".

Ваҳоланки, ўзини қўшиқчи деб ҳисоблаётган баъзи ёшлар оддий этика қоидаларини билишмайди ёки билиб туриб унга риоя қилишмайди. Иқбол Мирзо Ёзувчилар уюшмаси номига шоира Шаҳло Аҳроровадан шикоят хати мазмуни билан йиғилганларни таништирди. Хатда айтилишича, баъзи таниқли хонандаларимиз ижросида унинг шеърлари билан айтилаётган қўшиқлар Шуҳрат Аҳмедов деган шоирнинг номи билан эълон қилинаётган экан. Афсуски, ҳозирча бу одамнинг шахсини аниқлашга муваффақ бўлинмади. Хонандалардан сўралганда эса уларга бу матнларни мусиқаси билан бирга бастакор таклиф қилганини айтишган. Ваҳоланки, хонанда кимнинг шеърини қўшиқ қилиб айтаётганини яхши билиши керак. Бу ҳам санъаткор одобига киради.

Баъзиларда ҳатто буюк шоирларимизнинг шеърларини, шеърлардан парчаларни ўзлаштириш ҳоллари кўзга ташланади. Буни қандай изоҳлаш мумкин!

Аччиқ бўлса ҳам очиқ айтиш керак. Кўп ёш қўшиқчиларда устозларни ҳурмат қилиш керак, деган тушунчанинг ўзи йўқ. Айниқса, бу тўйларда яққол кўзга ташланади. Тўйларга борганда устозларга йўл бермаслик, ҳатто салом-аликни ҳам насия қилиш ҳолатлари бўлиб турибди. Бу бизнинг миллий менталитетимизга мутлақо тўғри келмайдиган, миллий анъаналаримизга зид бўлган ҳолат-ку!

Турли нашрлардаги хонандалар билан суҳбатларни ўқиб, ҳайрон қолади одам. Ўша нашрлар билиб-билмай "юлдуз"га айлантираётган баъзи қўшиқчилар уялмай-нетмай "Китоб ўқимайман", "Китоб ўқишга вақтим йўқ", дейишгача бориб етмоқдалар. Ўзининг маънавий қашшоқлигини, савияси саёзлигини намойиш этаётган бундай хонандалар ёшларга қандай ибрат кўрсатиши мумкин? Ҳали оқ-қоранинг фарқига бормайдиган болалар "Мана, хонанда ҳам китоб ўқимас экан, китобни қўлга олмай туриб ҳам машҳур бўлиш мумкин экан", деган хулосага келмайдими!

Бу каби ҳолатларнинг ҳар бири бизни қўшиқчи, санъаткор одоби ҳақида чуқур ўйлашга, тегишли хулоса чиқаришга ундайди.

Таниқли шоирлар Ҳайдар Муҳаммад, Замира Рўзиева, Бобур Бобомурод, Абдумажид Азим қўшиқда сўзга, матнга муносабат, сўз ва мусиқа уйғунлиги, шеър танлаш маҳорати ҳақида сўзладилар. "Хонандалар тарихни яхши билишмайди, — деди жумладан З.Рўзиева. — Масалан, Кумушбиби ҳақида худди металл ҳақида қўшиқ айтаётгандай куйлашади. Кўпларида дард, юрак етишмайди. Кейин бу ерда тўғри таъкидлангандек, шеърга беписанд муносабатда бўлишади. Ваҳоланки, яхши қўшиқнинг асоси ҳамиша яхши шеър бўлиб келган. Кўп ёш "шоирлар" уялмай-нетмай бировларнинг сатрларини, яхши топилмаларини ўзлаштириб олаверишади. Наҳотки, улар бунинг ўғрилик эканини тушунишмаса?"

Ҳ.Муҳаммад ёш хонандаларнинг асосий камчиликларидан бири китоб ўқимаслиги экани ҳақида куюниб гапирди. "Одоб-ахлоқ санъткорнинг ярим бахти, — деди у. — Мен бу борада таниқли санъаткор Ғиёс Бойтоевни ўрнак қилиб кўрсатишни истардим. Бу хонанданинг ўзини тутиши, саҳна маданияти, кийиниш ва сўзлаш одоби кўпларга ўрнак бўларли.

Саёз матнли қўшиқлар кўпайишининг олдини олиш учун қўшиқ ёзадиган студиялар фаолиятини мукаммаллаштириш зарур. Бундай жойда маънавий маданияти бутун одам ишлаши керак. Эфирга берувчиларнинг савияси ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Яна бир гап. Хонандаларимиз миллий мусиқамиз асоси мақом эканини тушуниб, уни ўрганишга ҳаракат қилиши керак".

Хонандалардан Ғиёс Бойтоев, Малика Эгамбердиева, Сайёра Маматқулова ва бошқалар кўтарилган масалалар юзасидан ўз фикрларини билдирдилар.

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасида миллий эстрада санъатидаги камчиликларни бартараф этиш, хонандалар репертуаридан мазмунан саёз, бадиий жиҳатдан бўш, мусиқа ва ижро маҳорати талаб даражасида бўлмаган қўшиқлар пайдо бўлишининг олдини олиш, ёш истеъдодли хонандаларни қўллаб-қувватлаш борасида мунтазам иш олиб борилмоқда. Бу борада, шу йил Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Миллий эстрада: матн ва ижро уйғунлиги" мавзуидаги илмий-амалий анжуман, Ўзбекистон давлат консерваториясида ўтган "Эстрада қўшиқчилигида миллийлик ва замонавийликнинг уйғунлиги" мавзуидаги давра суҳбати, "Ягонасан, муқаддас Ватан" кўрик-танлови, Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши ҳузуридаги Ижодий кўмаклашувчи вакиллар гуруҳи билан ҳамкорлик, бирлашма қошида хонанда, шоир ва бастакор учлигининг тузилгани яхши натижа бермоқда.

"Баркамол авлод йили" муносабати билан ёш иқтидорли эстрада хонандаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида бирлашманинг махсус мукофоти (стипендия) таъсис этилиши бу борадаги амалий ишлардан биридир. 2010 йил 1 августга қадар экспертлар комиссиясига ҳудудлардан жами 12 та ариза тушди. Ҳайъат қарорига кўра, мукофот консерваториянинг 2-босқич талабаси Шерзод Ортиқов ва Успенский номидаги махсус мусиқа мактаби 3-босқич талабаси Шаҳноза Йўлдошевага бериладиган бўлди. Бу ҳақда "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси бош директори Азамат Ҳайдаров сўзлаб стипендиатларга муваффақият тилади.

Албатта, қўлга киритилаётган ютуқлар миллий эстрада санъати равнақига ишонч уйғотади. Айни пайтда олдимизда катта вазифалар турибди. Қўшиқ фақат кўнгил мулки эмас, халқ мулки ҳам. Халқ мулкига беписанд муносабатда бўлишга эса ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Маънавий баркамол авлодни тарбиялашга ҳисса бўлиб қўшиладиган бақувват миллий эстрада қўшиқлари яратиш ижодкорлар олдидаги долзарб вазифадир.

**Гулчеҳра УМАРОВА**

---

*Ўзбекистон санъат арбоби, машҳур кинорежиссёр Мелс Абзаловни танимайдиган кино мухлиси бўлмаса керак. Унинг "Чимилдиқ", "Чинор остидаги дуэл", "Армон", "Майсаранинг иши", "Ўткан кунлар", "Мешполвон", "Сирли сиртмоқ" ва бошқа йигирмага яқин филмлари турли кинофестивалларда совринли ўринларни эгаллаган. Актёр сифатида ҳам бир неча филмларда суратга тушган.*



Учрашув

## Мелис АБЗАЛОВ:

# КАСБИМДАН ҚАДР ТОПДИМ

**— Мелс ака, илк филмингиз "Чинор остидаги дуэл" ҳали-ҳамон кино шинавандаларининг севимли асарларидан ҳисобланади. Айни кунда шогирдларингиз, яъни ўша филмда рол ўйнаганлар бугун режиссёрлик қиляпти. Яқинда улар "Чинор остидаги дуэл" филмига қайтиб, яна бир картинани суратга олмоқчи эканларини айтишди.**

— Бу филм диплом ишим ҳисобланади. Орадан шунча вақт ўтса-да, уни телеэкранларда тез-тез намойиш этиб туришади. Энди филмнинг бугунги янгича талқинига тўхталадиган бўлсак, бу ҳақда ўзимга ҳам кўп марта айтишганди. Лекин, назаримда, бу филмга қайтиш ўзини оқламайди. Ўша, ўттиз йил илгари яратилган филм ҳамон мавқеини ушлаб турган экан, демак, янги талқини ундан ҳам муваффақиятли бўлиши керак...

**— Бугун таниқли режиссёрсиз. Эшитишимизча, дадангиз санъаткор бўлишингизга қарши турган экан?**

— Ҳа, отам санъаткор бўлишимни умуман истамаган, ҳатто Санъат институтига киришимга қаршилик кўрсатган. Институтни битириб Ёш томошабинлар театрида ишлаётганимда бир дўстига: "Буни қаранг, одамларнинг болалари илмий ишлар қилиб, мамлакат тараққиётига ҳисса қўшаётган бир пайтда менинг ўғлим мушук-сичқон ўйнаб юрибди", деб ачиниш билан гапирган. Театрдаги биронта ролимни ҳам бориб кўрмаган. Чунки отам ўзининг йўлидан кетишимни истарди. Лекин мақсадимдан қайтмадим. Кейинчалик танлаган касбимдан ҳурсанд бўлган.

**— Бу дунёда армонингиз борми?**

— Менинг энг севган филмим — "Армон". Беҳудага бу асарни ишламаган бўлсам керак. Айтмоқчиманки, армонсиз инсон бўлмайди. Ушалмаган армонимни достон қилмай қўя қолайин, хафа бўлмайсизми? Аммо тақдиримдан, ижодимдан нолийдиган жойим йўқ. "Келинлар қўзғолони" филмим шўро даврида Америкада намойиш этилган. Шунда Шарқ ҳаётига қизиққан томошабинлар чипта учун навбатга туришган экан.

Истиқлол туфайли дунёга кенг йўл очилди. Ўғлим, қизларим Европада ўқишди, Ватанимизга фойдаси тегадиган фарзандлар бўлиб камолга етишди. Ижодимни ҳурмат қилишиб иш беришаяпти, кино олаяпман, шогирдларимга кўмаклашаман. Филм олмаганимда бошқа режиссёрларнинг асарларида суратга тушаман. Ёшим саксонга қараб кетаяпти, лекин ҳали ижоддан чарчаганим йўқ. Бундай шароитда армон ҳақида гапиришга ҳам ўрин йўқ, деб ўйлайман. Бу дунёда дўст орттирдим. Тан олиш керак, одам баъзида бетобланади, ёлғизлик эзади. Ана шундай пайтларда дўстларим ёнимда пайдо бўлишади.

**— Сиз жуда кўп чет мамлакатларда бўлгансиз...**

— Ҳеч бири Ўзбекистонга ўхшамайди. Бир сафар Америкада таниб қолишиб, ўзбеклар жамиятига таклиф қилишди. Уммон ортида ҳам танишганидан қувониб кетдим. Мени халқимиз машҳур қилди, шунинг учун ҳам ўз юртимни севаман. Дунё кездим, аммо бундай юртни учратмаганман. Суратга олиш учун чет элга борсам ёки саёҳатга отлансам, тезда болалигим ўтган Тошкентни соғиниб қоламан, кўз ўнгимга келаверади. Бу шаҳарнинг ҳар бир кўчаси мен учун азиз.

**— Сиз табиатан жуда соддасиз, одамлардан алданган пайтларингиз бўлганми?**

— Менимча бу дунёда бирон марта алданмаганман, деган одам ёлғон гапиради. Мен ишонувчанлигимдан кўп панд еганман.

Бир танишим фирибгарга берган пулини ололмаётганини айтиб қолди. "Сиз ҳурматли одамсиз, унга тушунтиринг, насиҳат қилинг, балки шунда бериши мумкиндир", деди. Мен ҳам мақтовлардан қувониб, нотаниш фирибгарнинг уйига қўнғироқ қилдим. "Фалон куни бирга келинг, пулни тайёрлаб қўяман, олиб кетасиз, сиз эл суйган инсонсиз", деб айтди. Бордик. "Мелс Абзалов фирибгарлик билан шуғулланади. Мендан пул талаб қиляпти, мана бу одамни рўбарў қилиб, туҳмат билан пул олишмоқчи", деб ўша устасифаранг милицияга ариза топшириб, махсус гуруҳни чақиртириб қўйган экан. Маълум муддат тергов ҳибсхонасида ётганман. Лекин у исбот қилолмади, аммо барибир ҳибсхонада ётиб, тергов беришгача етиб борганим ҳамон алам қилади.

Яна бир нарсани айтмоқчиман. Бозорларимиз тўкин-сочин, ҳамма нарса бор. Лекин бозорда менга бир нарса маъқул эмас. Пештахта олдида турганлар билан савдолашсангиз: "Ўзим мунча пулга олганман, устига тирикчилик учун озгина қўшиб сотаяпман", деб тан олишдан уялишмайди. Деҳқоннинг ризқини яримта қилаётганларни унчалик ёқтирмайман. Савдогарчиликнинг ўзига хос шарқона одоб-ахлоқ қоидалари, муносабатлари бор, ахир. Буни унутмаслинимиз керак.

**— Айни дамда қандай ишлар билан бандсиз?**

— Нима билан банд бўлишим мумкин, албатта, янги филм устидаги ишлар билан бандман. Лекин қандай филмлигини айтмайман, бу ҳозирча сир бўла қолсин.

**— Янги асарингиз ҳам аввалгиларидай элга манзур бўлишини тилаб қоламиз.**

**Суҳбатдош Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ**

---

Бошланиши биринчи саҳифада

# СУРАТЛАРДА ДУНЁ МАНЗАРАЛАРИ

Озарбойжонлик Агдес Багирзоданинг фотоасарлари афсонавий Шарқнинг кўҳна манзаралари тўғрисида ёрқин фикр уйғотади. Сильви Лоссерре (Франция), Татьяна Д"Авиньон (АҚШ), Луиза Гулимаки (Греция) каби фоторассомлар ижоди ҳақида ҳам тўлқинланиб гапириш мумкин.

Ёшлар ижод саройида "Навқирон ва ёрқин" мавзуида олинган суратлар кенг намойиш этилди. Нигериялик Жон Агберагби Тавершима фоторепортаж орқали ватандошларининг қайноқ ҳаётини кўрсатиб берган. Бразилиялик Татьяна Кордиалнинг асарлари миллий руҳда ишланган бўлиб, уларда бразилиялик болаларнинг қувончлари, миллий урф-одатлари асосида шаклланган руҳияти ҳассослик билан акс эттирилган.

Бангладешлик Холид Ҳасаннинг асарлари чуқур фалсафий мазмунга эга. Ботиб бораётган қуёш фонида кундалик тирикчилик ташвишида меҳнат қилаётган балиқчи болаларнинг қорамтир қиёфалари жозибадорлиги билан ажралиб туради. Суратда қирғоққа урилиб шовқин солаётган денгиз тўлқинлари олис-олислардан қулоққа чалиниб тургандай таассурот уйғотади. "Навқирон ва ёрқин" экспозициясидаги асарлар юксак диднинг нафис ифодасидир. Бу жиҳатдан Алексей Котов (Россия), Артем Шульга (Украина) каби ижодкорларнинг ишлари алоҳида эътиборга лойиқ.

## Кўргазма залларида

Фоторассом шундай ижодкорки, у ҳаёт билан фотокамера ўртасида туради. Унинг нигоҳи тушган воқеа тасвири кадр шакллантириш орқали томошабинга етказилади. Бунда муаллиф нур ва соя орқали муайян ҳаётий шароитда ўз руҳий кечинмалари билан намоён бўладиган инсоннинг аниқ тасвирини чизиб беради. Фотографиянинг олтин қоидаларини пухта эгаллаб, унинг сирларини англаган ижодкоргина нафис бадиий асарлар ярата олади. Шубҳасиз, Саидазим Фозиловнинг фотоасарлари ҳақида шундай фикр билдириш мумкин. Унинг соф ўзбекона руҳда ишланган, қадимий қўшиқ куйини таёқчалар билан ижро этаётган самарқандлик болаларнинг беғубор ҳаракатлари жонли қилиб тасвирланган сурати томошабинга завқ беради. Бу сурат қадриятларимиз мангулигига, унинг давомийлиги навқирон ёшлар интилишларида аксини топаётганига ишонч уйғотади.

"Тажриба қанотлари" мавзуидаги ишлар ҳам ўз ичига бир қанча асарларни жо этган. Бу борада ўзбекистонлик Ҳасан Пайдоев ва швециялик Полина Гунтанинг фототасвирлари кўнгилга завқ бағишлайди. Фотоэтюдлардаги ёрқин ранглар жилваси, абстракт композициялар фотосанъатда янгича қарашлар, изланишлар дунёга келаётганини кўрсатади.

Бир сўз билан айтганда, пойтахтда ўтаётган фотосанъати анжуманида намойиш этилаётган асарлар томошабинлар нигоҳи ва қалбини ром этади.

**Султонбой ДЕҲҚОНОВ,**
**фоторассом,**
**Бадиий академия ижодкорлар уюшмаси аъзоси**

---

# ХОРАЗМ ТЕАТРИДА ЯНГИ МАВСУМ

Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма театри 88-мавсумини Усмон Азимнинг "Тоҳир ва Зуҳра" спектакли билан бошлади. Мазкур спектакл саҳналаштирувчи режиссёр Жўрабек Рўзметовнинг катта ижодий меҳнати самарасидир. Асарнинг муваффақиятли саҳналаштирилишида рассом Баҳодир Бекмуротов, бастакорлар Собир Қодиров ва Қодирберган Искандаров ҳамда балетмейстер Дилора Нурмpraвонинг хизмати катта. Асосий ролларда чиққан Ҳикмат Матёқубов (Тоҳир), Шаҳло Салаева (Зуҳра), Нодира Бекчанова (Моҳим), Комилжон Тожибоев (Вазир Ҳусайн), Жуманазар Шомуротов (шоҳ Бобохон), Алишер Йўлдошев (Қоработир), Жуманазар Маткаримов (вазир Боҳир), Зулфия Отаева (Тоҳирнинг онаси) каби санъаткорларнинг ижросини томошабинлар самимий кутиб олди.

Шу йилнинг бошларида театр ижодкорлари Шароф Бошбековнинг "Тикансиз типратиканлар", Беҳбудийнинг "Падаркуш", Маъмур Умаровнинг "Заҳарли томчилар", Ўлмас Умарбековнинг "Кузнинг биринчи куни" асарлари асосидаги спектаклларни мухлисларга тақдим этган эдилар. Айни кунларда жамоа Қўчқор Норқобилнинг "Икки оёқли бўрилар" драмаси, Ҳосият Бобомуродованинг "Бола кўтарган аёл" мусиқали драмаси ва Охунжон Ҳакимнинг "Ҳайдар хўроз" комедиясини саҳнага олиб чиқиш устида иш олиб бормоқда.

Салкам тўқсон йиллик тарихга эга бўлган театр бу мавсумда ҳам томошабинларга эстетик завқ-шавқ бағишлайдиган, ёшларнинг маънавий-маърифий тарбиясига ҳисса қўшадиган асарлар билан томошабинларни хушнуд этади, деб ўйлаймиз.

**Гулнора ҚУРБОНОВА**

---

# "Брависсимо" — қойил демак!

Халқаро Тошкент саёҳлик кўргазмасида қатнашиш учун келган Катания ҳудудий провинцияси вице-президенти Себастьяно Каталано, профессор Федерико Фузуо, профессор Фелличе Вертуллодан иборат "Юг Италии ЮНЕСКО" ассоциацияси аъзолари Ўзбекистон Чет мамлакатлар билан дўстлик жамиятлари кенгашида меҳмон бўлди.

"Давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик илм-фан, иқтисод, маданият, санъат, таълим, спорт каби кўплаб соҳаларда яхши йўлга қўйилган, — деди ассоциация бош директори Фелличе Вертулло. — Ҳозир Сурхондарё вилоятидаги кичик ва ўрта фермер хўжаликлари фаолияти билан боғлиқ лойиҳалар бўйича изланмоқдамиз. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашга доир қўшма корхоналар ташкил этишга алоҳида аҳамият беряпмиз. Айни вақтда юртингизда туризм соҳасига янада жиддийроқ эътибор берилиши керак, деб ўйлайман. Бу борада ҳали очилмаган катта имкониятлар мавжуд."

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Юг Италии ЮНЕСКО" ассоциацияси, "Ўзбекистон-Италия" дўстлик жамияти, Италиядаги Ўзбекистон Республикаси элчихонаси ва Ўзбекистондаги Италия элчихонаси ҳамкорлигида "Туркистон" саройида "Италиянинг юлдузли осмони" деб номланган гала-концерт бўлиб ўтди. Унда Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри симфоник оркестри ва етакчи опера солистлари қатнашди. Концертга Шимолий Чечилия консерваторияси профессори, композитор Маурицио Чампи дирижёрлик қилди.

"Ўзбекистон, Тошкент, ўзбек халқи ва унинг санъати ҳақида италиялик ҳамкасбларимдан кўп эшитгандим, — деди композитор. — Ўзим келиб кўрганимдан сўнг ҳаммаси учун "Брависсимо!" дегим келди."

**Флора ФАХРУТДИНОВА**

---

# МУСИҚИЙ МАЪРИФАТ

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида "Мусиқий маърифат мактаби" фаолият бошлади. Бу мактаб дарсдан ташқари вақтда талабалар билан ўтказилаётган тадбирлардан бири ҳисобланади.

"Вокал жамоаларига раҳбарлик, мусиқа тарихи ва назарияси" кафедраси профессори Раҳматилла Носиров ташкил этган "Устоз-шогирд" анъанасига бағишланган мусиқий маърифат мактабининг биринчи машғулоти улуғ бобомиз Алишер Навоий таваллудининг 569 йиллигига бағишланди. Жонли ижрода Ўзбекистон халқ ҳофизи Оролмирзо Сафаров, Ўзбекистон халқ артисти Матлуба Дадабоева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аҳмаджон Дадаев, хонанда Мансур Мамиров ва бошқаларнинг иштироки талабаларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Маърифат мактаби фаолиятида нафақат талабалар, балки профессор-ўқитувчилар ҳам қатнашмоқда. Шу кунгача ўн бешта машғулот ўтказилиб, уларда Яссавий, Фузулий, Сўфи Оллоёр, Ҳувайдо, Машраб, Махтумқули, Огаҳий ва бошқа шоир-ёзувчиларнинг ижоди ўрганилди.

**Бахтиёр АЗИМОВ,**
**институт кафедра мудири.**

---

# ГИЛАМ ЖИЛОСИ

Ўзбекистон амалий санъат музейида Ҳунарманд уюшмаси аъзоси Зулфия Юсупова билан ҳамкорликда "Гиламлар жилоси" кўргазмаси очилди. Кўргазмада XX асрга қадар ва аср давомида қўлда тўқилган гиламлар, гиламхалта, поёндозлар, турли-туман гиламнусха буюмлар намойиш этилмоқди. Гиламларнинг ранги ва гулига қараб қайси ҳудудда тўқилганини билиш мумкин. Сурхондарё гиламларининг ранги жуда ёрқин бўлса, Бухоро гиламларининг ранги тўқроқ. Ҳозирги кунда Тошкент вилояти, Қашқадарё, Бухоро, Хоразм, Сирдарё аёллари ўзлари тўқиган гиламлар билан уйларини безайдилар. Қашқадарёнинг деҳқонободлик аёллари жаҳон кўргазмаларида ўзлари тўқиган гиламлари билан фаол иштирок этмоқда. "Гиламлар жилоси" кўргазмаси тошкентликлар ва пойтахт меҳмонларини қадимий гиламдўзлик санъатимиз билан яқиндан таништиради.

**С. ҚОСИМОВА**

---

# ЭЪЛОН

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги музейлар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида музейлардаги керамик экспонатларни сақлашга мўлжалланган шкафларни харид қилиш бўйича танлов ўтказилишини эълон қилади.**

Танлов очиқ турда ўтказилади. Унда Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган ҳамда сифат ва баҳо борасида харидоргир маҳсулот ишлаб чиқариш ва етказиб бериш имкониятига эга, мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танлов ўтказилиши ҳамда харид қилинадиган маҳсулотлар билан боғлиқ барча қўшимча маълумотларни олиш учун Маданият ва спорт ишлари вазирлигига эълон чиққан кундан бошлаб (шанба ва якшанбадан ташқари) ҳар куни соат 10.00 дан 17.00 га қадар қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

*100017, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони 5, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги.*
*Телефонлар: (8-371) 239-45-50, 239-46-11.*

Танловда иштирок этишни хоҳлаган ишлаб чиқарувчи талабгорлар давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси, агар етказиб берувчи ташкилотлар иштирок этиш истагини билдирса, у ҳолда улгуржи савдо фаолиятини амалга оширишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги лицензия билан бирга Маданият ва спорт ишлари вазирлигига юқорида қайд этилган манзил бўйича 2010 йил 25 октябр соат 15:00 дан кечиктирилмаган ҳолда ўз таклифларини тақдим қилишлари лозим.

Кўрсатилган муддатдан кечикканларнинг мурожаатлари инобатга олинмайди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Корхона ва ташкилотларга КУРЬЕРЛИК хизматини таклиф этади. тел: 233-57-47; 236-09-21 Сайт: www.pochta.uz

# “...БУ НЕ ГУЛДУРКИМ, БОШИГА ЧЕЧАК САНЧАР”

«ЎзАС» галереяси

Шарқ адабиёти ва шарқона миниатюра уйғониш даври тамаддунининг икки қанотидир. Миниатюра айнан адабиётни, бадиий матн мазмунини шарҳловчи, воқеаларни, қаҳрамонлар қиёфасини ёрқин бўёқларда ифодаловчи тасвирий санъат воситаси сифатида вужудга келган. Миниатюра санъатида инсон образини яратиш қуйидаги уч сарчашма — шартлилик, одоб-муомала ва реалистик деталлар уйғунлигида амалга оширилган. Бугун мусаввирларимиз миниатюра санъати мазмунини янада бойитишга, фақат анъанавий ақидаларнигина эмас, олам ва одам гўзаллигини, инсон туйғулари ва ҳиссиётларини намоён этишга, тасвир сирларини очишга ҳаракат қилишмоқда.

Ана шундай мусаввирлардан бири — Убайдулла Қосимов. Унинг “Чор дарвеш” асари шарқона миниатюра услубида ишланган. Асарга ранг-баранг нақшлар билан жило берилган. Айни пайтда дарвешлар қиёфаси, либослари ва ҳаракатларини ифодалашда тасвирий санъатнинг замонавий услубларидан ҳам фойдаланилган. Хусусан, инсоннинг сурати ва сийратини, воқеликка муносабатини тасвирлашда тўртбурчак шакллар орқали бўрттириш, характер яратиш ва ҳаракат ҳосил қилиш санъати мусаввирга қўл келган.

Асар бош қаҳрамони — аёл. У нақшдор гиламда тиззасини букиб ўтирибди. Чор атрофида эса соҳибжамол аёлга ҳайрат, ҳаяжон билан тикилаётган тўрт дарвеш. Асарни сирли бир эртакни тинглаётгандек томоша қиласиз. Хаёлингиздан мумтоз адабиётимиз намояндаларининг ғазаллари ва достонлари ўтади. Навоий бобомизнинг қуйидаги байти эсга тушади:

*Ё раб, бу не гулдурким,*
*бошига чечак санчар,*
*Гаҳ эгри қўяр бўркин,*
*гаҳ белига этак санчар.*

Ранглар, гуллар ва нақшлар эса тасаввурингизни янада бойитади.

Аёл қиёфаси аниқ ва гўзал тасвирланган. Мусаввир идеалидаги гўзал аёл қиёфасини тасвирламоқчи. У оқбадан, кулчаюз, бодомқовоқ, қийиқ кўз, лаблари ғунча, қошлари камон, зулфлари гажак, сочлари жингалак, кокиллари занжирсимон. Палакдек айлана гулли оқ рўмол ўраган бошини чапга эгиб, дастори(бош кийимини)ни ечаётир. Пушти рангли нафис кўйлаги устидан жигарранг камзул кийган. Тўни оқ нилуфар гули, камзули сариқ қалампиргул, кўйлаги бодом гулидек оппоқ қўнғироқ гулчалар билан безатилган. Аёлнинг либосларида урф-одатларимиз, миллий қадриятларимиз тараннум этилади. Нилуфаргул — нафислик ва поклик рамзи бўлса, бодом гули — эҳтирослар ва севги-муҳаббат тимсоли. Қалампир ёмон кўзлардан асрайди, деган удум бор. Аёлнинг қулоғидаги халқа ва бўйнидаги узун мунчоқ ҳам миллий менталитетимизга мос. Чиройли юзга қадалган ёмон назар қулоқдаги халқага тегиб, қайтаркан... Аёл мунчоғи чиғаноқлардан тизилган. Чиғаноқлар ичида дур. Яъни чиғаноқлар дурри маржон туғади. Бунда келинларимиз дурдек бебаҳо фарзанд туғсин, ўз “гумона”ларини чиғаноқдек асрасин, деган ақида мужассам. Момоларимиз қимматбаҳо тошлар ёвузликдан асрайди, деб ўйлашган.



Аёлнинг атрофида тўрт дарвеш айланиб зикр тушаётгандек. Персонажларнинг бош қисмларигина аниқ тасвирланган. Юз тасвиридаги деталлардан уларнинг дарвеш экани англашилади. Кийимлар, ёқа ва енгларга берилган чизгилар уларнинг ҳаракатини ифодалайди. Дарвешларнинг кўзларида ҳайрат, ҳаяжон балқиб турибди. Мумтоз адабиётда ёр Оллоҳ жамоли маъносида ҳам қўлланади. Нақшбандий айтганидек: “Дил ба ёру даст ба кор”, яъни кўнгил худода, қўл ишда бўлиши керак. Ёлғиз аёлнинг тасвирланиши — Худонинг яккаю ягоналигига ишора. Дарвешлар Оллоҳнинг жамолига интилиб, рақсу самога тушишмоқда. Мусаввир ана шу фалсафани асар ғоясига сингдирган.

Чор дарвеш чархпалакка, аёл эса ўша чархпалакнинг ўқ устунига ўхшайди. Тўрт дарвеш гўзал аёл атрофида айланаяпти. Бунда “Дунёни гўзаллик қутқаради” деган ҳикматдан ҳам теран мазмун бор. Чарх айланаверади, гўзаллик қолади. Дунёнинг устуни гўзаллик, дунё чархпалагининг ўқи гўзаллик. Демак умр ўткинчи, гўзаллик абадийдир. Шарқ мутафаккирларининг асосий гўзаллик — маънавий гўзалликдир, деган доно фикрини назарда тутсак, сурат мазмунидан дунёнинг асоси маънавий гўзалликдир, маънавий баркамолликдир деган хулоса келиб чиқади.

**Рустам МУСУРМОН**

Соғлигинг — бойлигинг

# ШАМОЛЛАШГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР

*Бутунжаҳон саломатлик ташкилоти расман эълон қилган тавсияларга биноан, куз-қиш мавсумида шамоллашга қарши турли янги препаратларни қўллагандан кўра, турмуш тажрибаларида синовдан ўтган халқ табобати усулларидан фойдаланиш самарали ва зиёнсиздир*

**Шамолашга қарши нафас олиш ва чиқариш машқи:** бурун орқали нафас олиб, оғиздан тез чиқаринг. Бу машқни ўн мартага қадар такрорланг. Ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғини икки қош ўртасига қўйиб, бош бармоғингиз билан буруннинг ўнг томонини бекитиб, чап томони билан нафас олинг. Бош бармоқни қўйиб юбориб, бир пайтнинг ўзида ўрта бармоқ билан буруннинг чап томонини бекитинг ва ўнг томони орқали нафас чиқаринг.

Бу машқни ҳам ўн мартача акрорланг ва ҳар куни бажариб туришга одатланинг.

**Шамоллаш сабабли иссиқлик кўтарилса,** уй ҳароратидаги сувга тўққиз фоизли спирт ёки сирка қўшиб, баданни яхшилаб артиш тавсия қилинади. Бу бемор аҳволини енгиллаштиради.

Бунда тоза спирт ёки сиркани сувга аралаштирмасдан ишлатиш ман этилади. Бу, айниқса, болалар учун жуда хавфли. Яна шуни унутмангки, агар ҳарорат +38,5 даражадан ошмаган бўлса, уни сунъий равишда тушириш шарт эмас. Организм вирусларга қарши курашаётганда ҳароратнинг ошиши табиий ҳол. Ҳарорат +39 дан оша бошласа, қўл ва оёқлар совуқ бўлиб, нафас олиш қийинлашса, "тез ёрдам" чақириш керак бўлади.

**Бурун битиб қолса,** дорихонадан "физаралашма" олиб ёки денгиз суви билан бурунни вируслардан ювиб тозалаш керак. Бунда алоэ ёки каланхоэ суви ҳам ёрдам беради.

Бироқ саримсоқ ёки пиёз сувидан фойдаланиш тавсия қилинмайди. Улар буруннинг шиллиқ қаватига салбий таъсир қилади, ҳатто куйдириши ҳам мумкин. Лавлаги суви эса аллергия қўзғайди.

**Йўтал ва томоқ оғриганда** дорихонадан маврак, мойчечак ёки эвкалипт ёғи олиб, устига қайноқ сув қуюб, бир оз тургач, иссиғида ҳар икки соатда томоқни чайиб туриш зарур. Унга озроқ асал қўшса ҳам бўлади. Ёки бир стакан денгиз тузини бир стакан иссиқ сувда эритиб ҳам томоқни чайиш мумкин. Имбирдан чой дамлаб ичиш мумкин.

Шу мақсадда бошқа турли содалардан фойдаланманг. Улар томоқнинг шиллиқ қаватига салбий таъсир кўрсатади. Турли ўтлар дамламаси ёки картошканинг иссиқ буғи билан ҳам нафас олманг. Иссиқ буғ бронхни шикастлаши мумкин. Буғ иссиқ бўлиб туюлмаса ҳам нафас олиш аъзоларини куйдиради. Айниқса, аллергияси борлар ва чекувчилар эҳтиёт бўлиши зарур.

**Инфекцияга қарши организм иммунитетини ошириш учун** лимонўт шарбатини ичиб туриш мақсадга мувофиқ. Эрталаб бир стакан наъматак қайнатмасини ичиш (кечқурун бир ош қошиқ наъматак меваси бир литр қайнаган сувга солиниб, термосда эрталабгача қадар сақланади) янада фойдали.

Шамоллаш бошланган чоғда С дармондорисини ҳаддан зиёд ичиб қўйишдан сақланиш зарур. Бу дармондори ҳаммада, айниқса, болаларда аллергия қўзғайди. Кўплар куз-қиш мавсумида иммунитетни ошириш учун совуқ сувда чўмилишни машқ қилади. Бу чора ҳам мутлақо ножўя. Сабаби, организмни чиниқтиришни ёз ойларида, иссиқ пайтларда аста-секинлик билан бошлаш мақсадга мувофиқ.

Шамолламаслик учун яхши овқатланишнинг ҳам аҳамияти катта. Бироқ орадан тўрт соатча вақт ўтказиб, кам-кам овқатланган маъқул. Шамоллаш чоғида иштаҳанинг йўқолиши табиий ҳол. Бундай пайтда болаларни мажбурлаб овқатлантирманг. Бироқ тез-тез нафас олиш ва терлаш туфайли организмда камайган суюқликнинг ўрнини тўлғазиш керак. Дорихоналардан регидрон эритмасини олиб ичиш, минерал сувлар, шарбатлар, чой тавсия қилинади. Лимонли чой, ширинмия илдизи ва оққалдирмоқ (мат-мачеха) дамламаси ҳам яхши самара беради.

# ДАРЁГА ТЎҒОН ҚУРМАЙ

## электр энергияси олса бўладими?

Илм-фан тараққиёти, шамол, қуёш ва обиҳаёт энергиясидан фойдаланиш йўлидаги кашфиётлар электр қувватини ҳосил қилишга доир янги-янги ғояларни кун тартибига қўяётир. Айни чоғда йирик дарёларга хавф-хатари ва экологик зарари катта бўлган улкан тўғонлар қуриш тажрибаси ҳам эскириб бормоқда. Бинобарин, ҳудудларидан Амударё ва Сирдарё оқиб ўтувчи айрим давлатлар шўро даврининг улкан дарёларни тўсиб, катта тўғонлар қуриш тажрибасидан воз кеча олмай, қўшнилари ҳаётини хавф-хатарга қўяётган бир пайтда, бутун жаҳон кичик ГЭСлардан фойдаланиш тажрибасига қайтмоқда. Президентимиз Ислом Каримов БМТ саммитининг мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида “Кўплаб халқаро экология ташкилотлари ва нуфузли экспертлар тавсия қилаётганидек, ушбу дарёлардан (Амударё ва Сирдарё кўзда тутилмоқда) шу миқдордаги энергетика қувватларини олиш учун нисбатан хавфсиз, аммо тежамкор кичик ГЭСлар қурилишига ўтиш оқилона йўл бўлур эди”, деб таъкидлагани ҳам бежиз эмас.



Яъни дарёларга бир нечта кичик ГЭСлар қуриш ҳам арзон, ҳам экологик жиҳатдан хатарсиз ҳисобланади. Юртимиздаги Чирчиқ дарёси, унинг катта бир ирмоғи бўлган Бўзсув канали, шунингдек Ҳисорак ва Тўпаланг сув омборлари ҳамда бошқа дарёларимизда, Қозоғистоннинг Олмаота шаҳри атрофидан оқиб ўтувчи тезоқар тоғ дарёларига поғонама-поғона бир нечта кичик ГЭСлар қурилган ва шундай қурилишлар айни кунларда ҳам давом этмоқда. Фан ва техниканинг энг сўнгги янгиликлари ҳам кичик ГЭСларнинг истиқболли эканини кўрсатмоқда.

“Аргументы и факты” газетасининг шу йилги 39-сонида сўз юритилгандек, олтойлик Николай Ленёв яратган янги ихтиро бу борада фойдаланилмаётган имкониятлар янада чексиз эканини намоён этмоқда. Яъни дарёлардан беминнат оқиб ётган сувнинг турган-битгани электр энергиясидан иборат экан. Бинобарин, обиҳаётдан бу улкан қувватни олиш учун, шу чоққача амалда фойдаланиб келинганидек, дарёларга бетондан баҳайбат тўғонлар қуриб, ўлик ҳавзаларга айланадиган сунъий сув омборлари яратиш, далалар ва қишлоқларни сувга бостириб иқлим, экология, об-ҳаво ва атроф-муҳит мувозанатини бузиш, аварияга учраган Саян-Шушенск ва бошқа йирик ГЭСларда бўлгани каби қанчадан-қанча аҳоли ҳаётини хавф остига қўйишнинг асло ҳожати йўқ.

Хўш, янги ихтиронинг моҳияти нимада?

Одатда кўприк қурилмаган ёки бунга имкон бўлмаган жойларда дарёнинг икки қирғоғига маҳкамланган сим арқон орқали одамларнинг у соҳилдан бу соҳилга ўтиб-қайтиб юрганини кўп кузатгансиз. Пўлат арқондаги осма кўприкча тубига оқим йўналишига қараб 45 даража қияликда қаттиқ пўлат тунука маҳкамланади. Оқим кучи ана шу пўлат тунуканинг арқон бўйлаб кўндалангига дарёнинг у соҳилига силжиш ҳаракатини таъминлайди.

Мана шу қадимий қурилма, афтидан, Николай Ленёвда тўғонсиз ГЭС қуриш фикрини уйғотган бўлса ажаб эмас. Н. Ленёв ҳам ўз ускунасига остки тахтакачни 45 даражали бурчак остида жойлаштирди. Уларни велосипед занжири билан туташтиргач, оқим таъсирида ғириллаб айланадиган қурилма пайдо бўлди. Қурилма сувга чўкмайдиган ускуна ёрдамида лангарга ёки қирғоққа маҳкамланади. Занжир ҳаракати генераторга улангач, электр энергияси пайдо бўлади.

Омборхонада дуч келган нарсалардан йиғилган дастлабки қурилманинг вазни йигирма килограмм атрофида бўлиб, уни дарё қирғоғига атиги икки киши кўтариб борган. Унинг ёрдамида ҳосил қилинган электр қуввати эса уйни ёритиш ва иситишга ҳам етиб-ортади. Қурилманинг таннархи бор-йўғи уч минг рублни ташкил этган. Н. Ленёвнинг навбатдаги қурилмаси эса каттароқ — унга икки минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланади.

Баҳри муҳитга мадад

Қуввати 10 кВт.лик мазкур кичик ГЭСнинг вазни 240 килограмм бўлиб, у углепластик ва титандан тайёрланади. Бу қурилма эни олти ва чуқурлиги икки ярим метрлик ирмоқчага мўлжалланган эди.

Мазкур қурилмани ишлатиш чоғида муаллиф кутилмаганда яна бир янгиликни кашф этди. Бинобарин, секундига бир метр тезликда оқаётган сув тор тирқишдан ўтишда секундига уч метрлик ҳаракатга эга бўларкан. Бунинг натижасида дарё оқимининг электр ҳосил қилиш қуввати 2-2,5 баробарга ошади. Мавжуд физика китобларида бунинг изоҳи йўқ. Бироқ кўтариб юриш мумкин бўлган кўчма ГЭС ёнига яна битта шундай қурилма ўрнатилса, ундан ўша сувни яна бир бор ўтказиб, кўпроқ электр энергияси олиш мумкин. Демак, исталган сокин оқувчи кичик дарёчага бир нечта кўчма ГЭСни ўрнатиб, табиатга зиён-заҳмат етказмай катта миқдорда электр энергияси олиш имконияти мавжуд. Аҳоли яшаш жойларига яқин исталган дарё ва ирмоққа шундай қурилмалардан бир нечтаси ўрнатилса, узоқдан ғоят қиммат тушадиган электр узатиш тармоқларини тортиб келишга асло ҳожат қолмайди.

Н. Ленёв ўз ихтиросини маъқуллатиш учун уй-жойи ва фирмасини ҳам сотишга мажбур бўлди. Унинг тўғонсиз электр қуввати берадиган қурилмасини ёқутистонлик энергетиклар жон деб харид қилишди. Муаллиф қурилмани сотишдан келган маблағ эвазига Москвага йўл олди. У: “Шу жойда мени тушунишса, ажаб эмас”, деб умид қилмоқда.

Тўғонсиз ГЭС иш принципини физика-математика фанлари номзоди Ю.Рассадкин шундай изоҳлайди:

— Дарё оқимига кўндаланг қўйилган пластина олдида тик уюрма ҳосил бўлади. Пластина деворларида эса пўфакчалар пайдо бўлади. Пўфакчаларнинг ёрилиши туфайли импульслар вужудга келиб, уларнинг биргаликдаги қуввати пластинага таъсир кўрсатувчи кучга айланади. Сув молекулаларининг молекулалар аро ва атомлар аро алоқаларидан “ортиқча“ энергия ҳосил бўлади ва шу тариқа сув электростанциялар учун “ёнилғи“ сифатида хизмат қилади. Агар сувнинг ҳарорати “минус“ ва “плюс“ тўрт даража атрофида бўлса, мазкур самара кучаяди. Совуқ сув одатда ўзидан қўшимча энергияни кўпроқ чиқаради. Шу сабабли Н. Ленёвнинг ихтироси, айниқса, Шимол ва Сибир ҳудудларида қўл келади.

Назариётчилар бу жараённинг илмий асоси хусусида бош қотираётган айни дамларда янги кашфиёт Хакасия ва Ёқутистон, Перм ва Красноярск ўлкаларида уйларни ёритмоқда ва иситмоқда. Хорижликлар эса Н. Ленёв билан дастлабки шартномаларни имзоладилар.

* * *

Бу янгиликнинг моҳиятидан шундай хулоса келиб чиқади: ҳисоб-китобларга кўра, нефт заҳиралари яна йигирма-ўттиз йил, “зангори олов” конлари эса бор-йўғи яна ярим аср йил сайин кўпайиб бораётган сайёрамиз аҳолиси эҳтиёжларини таъминлаши мумкин. Шу вақтга қадар агар бошқа муқобил энергия манбалари топилмаса ёки яратилмаса, Ер зимистон ва совуқ қаърида қолиши мумкин экан. Кичик ГЭСлар қуриш тажрибасини кенг кўламда давом эттириш, бинобарин, олтойлик Н. Ленёв таклиф этаётган янги ғоялар асосидаги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш ҳам энергия тақчиллигини бартараф этишда қўл келиши муқаррар.

**Мурод АБДУЛЛАЕВ**

## — Авжини олиш осон бўпти-ми?




Шайхонтохур туман Х.Асанов кўча 75-уйда жойлашган “ORHIDEYA SERVIS” МЧЖ (ИНН-301299727) тугатилади. Даъволар икки ой давомида 507-42-00 телефон рақами орқали қабул қилинади.

* * *

Чилонзор туман БТИ томонидан Чилонзор-6, 16-уй, 27-хонадонга тегишли Мелихов Виктор Федорович номига берилган кадастр уй плани йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

Учтепа туманидаги “FOTIMA BIZNES” МЧЖ (ИНН 201052765) тугатилади. Эътирозлар икки ой муддатда қуйидаги манзилда қабул қилинади. 1-проезд Тўқимачи 16-уй.

* * *

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент медицина институти Тошкент Тиббиёт академияси томонидан 1986 йили Юсупов Абдурасул Каймович номига берилган НВ 939244 рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

Тошкент шаҳар, Миробод тумани ҳокимияти Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимида рўйхатдан ўтказилган, Афросиёб 10/1-50 манзилида жойлашган “Pharmline” масъулияти чекланган жамияти (ИНН 301404476) тугатилади (таъсисчиларнинг 27.09.10 й. 1-рақамли қарори). Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади.

* * *

Чилонзор туманидаги хусусий тадбиркор Ахроров Шароф Чориевичга тегишли йўқолган думалоқ муҳр бекор қилинади.

* * *

Хасанханова Мухтабар Насировна номига 13.03.1993 йили берилган квартирага эгалик ҳуқуқини берувчи 04-02/14853 рақамли йўқолган давлат ордери бекор қилинади.

* * *

Юнусобод тумани БТИ томонидан Аминов Улугбек Акобирович номига берилган Тошкент шаҳар, Юнусобод-7, 45-уй, 27 хонадонга тегишли қуйидаги квартира ҳужжатлари бекор қилинади:
— квартира плани,
— уй китоби.

* * *

Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани ҳокимияти тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимида 31.05.2010 йили Мухбир кўча, д. 3 “а” манзили бўйича рўйхатга олинган “MUXBIR IFORI” МЧЖ (ИНН 301624400, ОКОНХ 14933) тугатилади. (12.10.2010 й. 1-рақамли қарор). Эътирозлар тугатиш ҳақида эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддатда қабул қилинади.

* * *

Чилонзор ҳокимиятида рўйхатдан ўтган “SHODI-BEK TABARRUK” МЧЖ Низом жамғармаси 29200000 сўмдан 5200000 сўмга камайганини маълум қилади. Маълумотлар учун телефон: 730-06-88 моб.

* * *

Мирзо Улуғбек туманидаги “DELTA AVTO” МЧЖ Низом жамғармасининг 366402000 сўмдан 319120750 сўмга камайганини маълум қилади.

* * *

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани ҳокимияти тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимида 11 октябр 2006 йил 002384-10 рақами билан рўйхатга олинган Юнусобод тумани, Ц-4, Навоий кўчаси, 13-уй, 2-хонадонда жойлашган “NASSAR TRADING” масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ “NASSAR TRADING”) 2010 йил 14 октябрдаги ихтиёрий тугатиш ҳақидаги қарорга мувофиқ тугатилади. (ИНН 300021890, ОКПО 21461805). Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қабул қилинади.

* * *

Ўзбекистон Адлия вазирлигида 23.03.2006 йили 001284 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, 2-проезд Калинин Мавзук кўчасида жойлашган масъулияти чекланган жамият шаклидаги “ANSHER REAL ESTATE” хорижий корхона (МЧЖ ХК, ИНН 206237098) ўз Низом жамғармасини 152853295 сўмдан 116549422 сўмга камайтиради.

* * *

Шайхонтохур туман БТИ томонидан Фаол кўча 69-уйга тегишли бўлган Ачилов Кабилджан Агзамович номига берилган уй плани йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

“TOSHKENT PLAZA” хусусий корхонаси Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани “TOSHKENT PLAZA” МЧЖга айлантирилганини маълум қилади.



МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: “ШАРҚ” НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:
Котибият — 233-49-93 info@uzas.uz
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи — Рустам МУСУРМОНОВ
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.48

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 4270. Буюртма Г — 948. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН